

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МУХАНДИСЛИК ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

**Бакалавриат «Бухгалтерия хисоби ва аудит» йуналиши 4-курс
талабалари учун**

«БАНК МУАССАСАЛАРИДА АУДИТ» ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНЛАРИ

Тайёрлади:

и.ф.н., кат.укит.Б.Н.Муйдинов

Андижон-2004 йил
Ушбу маърузалар матнлари бакалавриат «Бухгалтерия хисоби ва аудит» йуналиши учун тайёрланган.

Муаллиф: и.ф.н., кат.укит. Б.Н.Муйдинов

Такризчилар:

- 1. Анд.МИИ «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси доценти, и.ф.н. Э.Муйдинов**
- 2. Анд.КХИ «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедраси мудири, и.ф.н., доц. М.Маматхонов**

Маърузалар матнлари «Бухгалтерия хисоби ва аудит» кафедрасининг 2004 йил «__» _____ даги №_ сонли йигилишида муҳокама килинган ва маъкулланган.

Кафедра мудири:

А.Исмоилов

Маърузалар матнлари факультет кенгашининг 2004 йил «__» _____ даги №_ сонли йигилишида муҳокама килинган ва макулланган.

Маърузалар матнлари институт илмий-услубий Кенгаши томонидан 2004 йил «__» _____ даги №__ сонли йигилишида муҳокама килинган ва фойдаланишга тавсия этилган.

Ушбу маърузалар матнлари банк муассасаларида аудит фанининг назарий қисмига оид курсаткичлар, банкларда аудиторлик фаолиятини ташкил қилиш, банкларда ички ва ташқи аудит, тижорат банкларида миқдозларга депозит ҳисобварақларини очиш ва ёпиш аудити, банкларда ҳужжатлар айланиши ва ҳужжатларни расмийлаштириш аудити, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар аудити, банкларда касса операциялари аудити, банкларда кредит операциялари аудити, банкларда ички операциялар бўйича ҳисоб-китоблар аудити каби масалаларни ёритишга қаратилган.

Ушбу маърузалар матнларидан бакалаврият «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» йўналиши талабалари, банк соҳасига ихтисослашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари, банк хизматчилари, банк соҳаси билан шугулланувчи аудиторлар ва кенг жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

Ушбу маърузалар матнларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг йуриқнома, Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларидан, ҳукумат қарорлари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон ва хориж олимлари томонидан яратилган бир қанча адабиётлардан, интернет маълумотларидан ва муаллифнинг назарий ва амалий билимларидан кенг фойдаланилди.

Маърузалар матнлари «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси, факультет кенгаши ва институт илмий-услубий Кенгаши қарори асосида chop этилди.

1-мавзу: Банкларда аудиторлик фаолиятини ташкил килиш

1. Аудиторлик фаолияти тугрисида тушунча.
2. Аудиторлик фаолиятининг ҳукукий асослари.
3. Ўзбекистонда аудиторлик андозалари ва унинг турлари.
4. Банкларда аудитнинг узига хос хусусиятлари ва ҳисоб операциялар ишлари аудити.
5. Банк аудитининг мақсади ва вазифалари.
6. Аудиторлик фаолиятининг ахлокий меъёрлари.

1. Аудиторлик фаолияти тугрисида тушунча.

Иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширилиши бозор элементларини иқтисодиётга жорий этила боришни бошқаришни ва мулк шаклини тубдан ўзгартиришни тақозо қилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш мулкка бўлган муносабатини ўзгартирди унинг тулиқлигини таъминлашда назоратини ҳар бир мулкдор зиммасига юқлайди.

Утган ўзрок вақт ичида мулкни тулиқлигини назорати бевосита давлат томонидан тузилган назорат ўтказиш режаларини тузиш бажарилишини ташкил қилиш билан ифодаланган бўлса, ҳозирга қелиб амалга оширилган иқтисодий ислохотларни самараси ўларок ҳар бир мулк эгаси назорат шаклидан ўз хоҳиши билан фойдаланиш даражасига эришди.

Ўта марказлаштирилган бошқариш тизимида ҳисоб ва назорат фақат ҳисобот тузиш учун хизмат қилиб қелди. Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишда ҳисоб ва назорат ўз таъсир қучига эга бўлмақ қелди.

Ҳозирги қунга қелиб Республика иқтисодиётидаги иқтисодий ўзгаришлар, хорижий сармоялар қириб қелиши, хусусийлаштиришнинг ривожланиши турли мулкчилик шаклидаги қорхоналарнинг ташкил топиши бухгалтерия ҳисоботида ва назоратда илгор усулларни танлаш ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш имқониятларини яратди. Муқтақиллиғимизни ўтган даврида бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби, қаражатлар

таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби аудиторлик фаолияти тугрисида конунлар қабул килинди.

Бундан асосий мақсад иқтисодий ётти барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохатларни ҳисоб ва назоратидаги таъсирини оширишдир. Бозор муносабатлари ҳисоб ва назорат олдига янги иқтисодий усуллар ва талабларни яъни инвестиция, дивиденд, акциялари келтириб чиқаради, булар ёрдамида корхона фаолиятини ривожлантириш имкониятлари яратилади.

Республикаимиз иқтисодийётида турли мулкчилик шакллариининг пайдо булиши, корхоналарни чет эл инвестицияси билан ҳамкорликда фаолият курсатиш назорат тафтиш ишларини халқаро талаблар доирасида ташкил килинишин талаб кила бошлади.

Хар қайси ташкилот ва корхона ҳужалик фаолиятини ташкил килишда тегишли асосий ва айланма маблағларига эга буладилар. Маблағлар ҳолати, уларнинг тулиқлиги тегишли моддий жавобгар шахслар зиммасида булиб, бу тугрида корхона бухгалтериясига белгиланган муддатларда моддий жавобгар шахслар товар ва моддий бойликларнинг харажати тугрисида ҳисобот топширадилар. Ҳисобот курсаткичлари ёрдамида маблағларнинг ҳаракати хар бир моддий жавобгар шахс буйича бухгалтерия ёзувлари орқали назорат килиб борадилар. Назорат ҳолати, қандай назорат усулидан фойдаланиш биринчидан мулк шаклига боғлиқ булса, иккинчидан корхона ташкил килиш имконияларига боғлиқдир.

«Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги (янги тахридаги) конунни қабул килиниши (иқтисодий) назорат ишларини соддалаштиришга, унинг таъсир кучини оширишга ва эркин назорат усулини шакллантиришга қаратилган йуналишдир.

Жамият тараққийётида, унинг хар бир босқичида шаклланган назорат тури шу жамият ривожини учун хизмат килади ва унинг ёрдамида жамиятга тегишли хом-ашё, материал ресурсларнинг ҳолати урганилади ва тулиқлигини таъминлаш чора тадбирлари амалга оширилади.

Узоқ йиллар давомида асосий назорат усули булиб тафтиш утқазилшдан фойдаланиб келишди. Бу усул режали иқтисодий ётти бошқарувчи усул деб ҳам ҳисобланар эди. Тафтиш ишлари олдиндан тузилган ва тасдиқланган режа асосида утқазилиши, тафтишчига турли топширик ва курсатмалар бериш йули билан амалга оширилиши таъминланар эди. Назорат утқазилшнинг бундай усулида корхона ва ташкилотларнинг ҳужалик фаолияти фақат бир томонлама яъни режа топширикларини бажарилишини текшириш билан яқунланар эди.

Республикаимизда утқазилаётган иқтисодий ислохатларнинг самараси шундаки-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга, уни уз эгасига етқазиб беришга эришилди. Мулккий эркинлик намоён булди. Хар бир мулк эгаси уз мулкни тулик назорат килиш даржасига

эришди. Мулк эгаси уз мулкени туликлигини таъминлаш мақсадида уни учун ишончли, бетараф назорат усулидан фойдаланиши мумкин. Бундай назорат тури аудит назоратидир. Аудит назорати Республикамизда ёш ва янги назорат тури ҳисобланиб, унинг жорий килиниши 90-йиллардан бошланди.

Аудит назоратини жорий килиш бевосита мулкни давлат тасарруфидан чиқариш даврига тугри келди. Бу дегани суз аудитга қадар назорат ишлари паст савияда олиб борилган деган маънони билдирмайди, чунки тафтиш усули кенг қулланилган. Тафтиш ва аудит назорати бир-бирига ухшаш бўлса ҳам, улар тубдан фарқ қилади.

Биринчи фарқи аудит бу мулк эгасининг яъни ҳужалик юритувчи субъектнинг хоҳиши билан унинг талабига биноан тузилган шартномага асосан утқазилди.

Иккинчидан аудит назоратида фақат ҳолатни текширибгина қолмай мулк эгасига ҳужалик фаолиятини яхшилаш тугрисида тегишли маслаҳатлар беради.

Учинчидан ҳужалиқда амалга оширилган операцияларини амалдаги қонунларга мос қилишини белгилаб беради, иш фаолиятида йул қуйилган қамчиликларни бартараф қилишда ёрдам беради.

Аудит ёрдамида ҳисоб-қитобларни тугри юритилиши ҳисоб ва ҳисоботлар сифати, молиявий натижаларнинг тугри аниқланганлиги текширилади. Текшириш аудитор томонидан олиб борилади.

Аудит лотинча суз бўлиб, у эшитади, деган маънони билдиради. Аудитор тузилган шартнома асосида ҳужалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини, ҳисоб-қитоб ишларини тугрилигини назорат қилиб, уз ҳулосасини берувчи юридик шахс ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида «Аудиторлик фаолияти тугрисида» қонун қабул қилиниши ва бу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлаш маъсулиятини янада оширади. Республикмизда кенг қулоч ёзган иқтисодиётни эркинлаштириш аудит назоратини янги қирраларини очиқ берди ва 1992 йилда қабул қилинган аудиторлик фаолияти тугрисидаги қонунга тегишли ўзгартиришлар ва қушимчалар қиритилишини тақозо қилди.

Ўзбекистон Республикасида 2000 йил 26 майда «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунга ўзгартиришлар ва қушимчалар қиритиш ҳақида қонун қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги қонун аудиторлик фирмаларининг ҳуқуқларини, мажбуриятларини, жавобгарлигини янада оширади. Қонуннинг 2-моддасида: «Аудиторлик фаолияти деганда- аудиторлик текширувини утқазиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар қурсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тақикланади» деб белгилангандир.

Корхона ва ташкилотлар, хужалик юритувчи субъектларнинг асосий фаолиятини бошқариш. Ташкил қилиш асоси бўлиб уларнинг устави ҳисобланади. Уставга асосан аудиторлик ташкилотлари ўз хужалик фаолиятини юритадилар ва амалдаги қонунларга, фармон ва ҳизмларга мос ҳолда фаолият қурсатадилар.

Хужалик юритувчи субъектларнинг иш фаолияти аудитор назоратидан ўтказилаётганда асосий эътибор амалдаги қонунларга ва фармонларга риоя қилиш ҳолатини аниқлаб олишга қаратилиши керак. Аудит назорати ёрдамида хужаликда амалга оширилган хужалик операцияларининг қонунийлиги ҳужалик фаолияти билан боғлиқлиги аниқланади. Аудит фанининг объекти сифатида хужалик юритувчи субъектлар, мулк эгалари тушунилади. Аудит назоратини ташкил қилиш, ўтказиш бўйича мулк эгаси аудит фирмаси билан шартнома тузиш ҳуқуқига эгадир. Аудит назорати ёрдамида молиявий ҳисоботни тўғрилигини, бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қонунийлигини, маблағларнинг тўғрилигини назорат қилиш имконияти яратилди. Аудит ёрдамида мулк эгасининг иқтисодий аҳоли билан боғлиқ маълумотлар ёритилиб, унга аудитор ҳолис баҳо беради, йўл қўйилган қамчилик ва нуқсонларни аниқлаб бартараф қилиш бўйича ўз маслаҳатларини беради. Аудит ўтказиш давомида аниқланган қамчилик аудитор ҳулосасида ўз ифодасини топади. Демак, аудитнинг асосий мазмуни маълумотларни йиғиш ва белгиланган ўлчов бирликларида баҳолашдир.

Аудит ўтказилиши, иқтисодий маълумотларни умумлаштирилиши бўйича ихтиёрий ва мажбурий аудитга бўлинади.

Ихтиёрий аудит бевосита мулк эгасининг талабига биноан ўтказилиши, унда аудит мақсади, мазмуни, йўналиши бевосита манфаатдор томонидан белгиланади. Ихтиёрий аудит хужалик фаолиятининг маълум бир йўналиши бўйича ёки тулик ўтказилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида: «қуйидагилар ҳар бир йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

акциядорлик жамиятлари;

банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;

сўғурта ташкилотлари;

инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари...».

Мажбурий аудиторлик текширувининг буюртмаси бўлиб хужалик юритувчи субъект ҳисобланади. Аудиторлик фирмасини танлаш бевосита хужалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилади.

Мулк эгаси уз мулкани холатини, хужалик фаолиятини тугрилигини доимо назорат килиш мақсадида ихтиёрий, мажбурий аудиторлик назоратидан фойдаланиш мумкин.

Республикамиз иктисодиётида шаклланган мулкчиликни хилма-хиллиги, бозор иктисодиёти муносабатларини шакллантириш аудиторлик назорати холатини такомиллаштириш, уни таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий фаолиятини яхшилашга алоҳида аҳамият бермоқда.

Аудиторлик назоратни зарурияти шундаки- биринчидан мулкни нодавлатлаштириш, иккинчидан иктисодиётни ривожлантиришда чет эл инвестицияларини жалб килинишидир.

Аудиторлик назорати ёрдамида мулкка булган муносабатни узгариши, ҳисоботлар ҳолати, амалга оширилган сарф-харажатларнинг махсулот таннархига тугри утказилганлиги аникланади.

Аудиторлик назоратини утказишдан асосий мақсад- хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тугри ва ҳолис баҳолашдир, шу билан бирга хужалик юритувчи субъектлар фаолиятида йул қуйилган камчилкларни бартараф қилишда уларга йул-йурикларни курсатишдир.

Ўзбекистон Республикасида янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тугрисида» ги қонунни қабул қилиниши аудиторлик назоратига қенг эътибор берилганлигини назоратни давр талабига мослаштириш учун қилинган тадбирлардан биридир. қонуннинг 5-моддасида: «Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга булган шахсдир. Аудиторлик ташкилотлари уз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир» деб белгилаб қуйилган.

Демак, аудиторлик назоратини олиб боришда мустақил аудиторлик ташкилотлари хизматидан фойдаланилади.

Ҳар бир иктисодий фармацевциянинг ривожига мулкчилик муносабатлари алоҳида урин эгаллайди. Мулк шаклини узгартириш, мулкка булган муносабатларда уз ифодасини топади. Бозор иктисодиёти шароитида қорхона ва ташкилотлар уз-узини маблағи билан таъминлаб, фаолият курсатишларига алоҳида эътибор бермоқда.

Аудит фанининг предмети деб, турли мулкчиликка асосланган қорхоналар фаолиятини урганишга, хужалик жараёнларини тугрилигини аниқлашга шартнома муносабатларини бажарилишини урганишга айтилади. Аудит ёрдамида хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тугри баҳолаш амалга оширилган хужалик операцияларини тугрилигини назорат қилиш имқонияти яратилди.. Бу имқоният ҳар икки томонлар уртасида тузилган шартнома асосида ташкил қилинади.

Аудит ёрдамида хужалик юритувчи субъект фаолиятига холис баҳо берилади, ички имкониятлардан фойдаланиш, харажатларни камайтириш, махсулот таннархини арзонлаштириш, ракобатбардош махсулотларни ишлаб чиқариш учун маслахатлар берилади. Аудит фани бир катор иктисодий фанлари билан шу жумладан «Бухгалтерия ҳисоби», «Хужалик фаолияти таҳлили», «Тафтиш ва назорат» фанлари билан узаро боғлиқдир.

Аудит утказишда товар моддий бойликларни инвентаризация қилиш ҳужжатларини муқобил текшириш, баҳолаш усулларида кенг фойдаланилади.

Утказилган аудит натижалари аудиторлик ҳулосаларида ўз ифодасини топади. Аудит назорати ёрдамида мулк эгасига ёрдам бериш, назоратни таъсир кучини ошириш чоралари ишлаб чиқилади. «Биз давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хужалик фаолиятига, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклашни иктисодиётни эркинлаштириш йулидаги асосий вазифалардан бири деб биламиз»¹ деб президентимиз қўрсатиб берди.

Республикада урта ва кичик бизнесни ривожлантиришда, тадбиркорликни оширишда аудиторлик назоратини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эгадир.

2. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилиниши, унинг иктисодий-ижтимоий йўналишида тўб ўзгаришлар олиб келди. Дунё давлатлари тажрибасини ўрганиб, унинг ижобий томонларини ривожлантирган ҳолда янги аср бусагасида бозор иктисодиёти сари дадил қадам ташлади.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий 5 тамойили ишлаб чиқилди ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 5 тамойил Республикада иктисодиётда алоҳида урин эгаллаганлигини ҳаётни ўзи тасдиқламоқда. Тамойилларни ҳаётга тадбиқ қилиниши натижасида Республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, иктисодиётни бошқа соҳалари МДХ давлатларига нисбатан салмоқли ривожланмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иктисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида» асарида қўрсатиб берганидек: бозор муносабатларига қийинчиликларсиз ва ижтимоий зиддиятларсиз силликина ўтиб бўлмаслигини бошқа мамлакатларнинг тажрибаси қўрсатиб турибди. Шу сабабли бозор механизмининг жорий этишдан аввал одамларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича кучли эҳтиёж

И.А.Каримов. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон эътибор – пировард маънавиямиз. Т. «Ўзбекистон», 2000, 56-бет.

чора -тадбирларини олдиндан куриб куйилиши объектив заруратдир.Шундай экан олга сурилган ночор гурухларнинг ижтимоий химоялашга алохида ахамият берилмоқда, бир катор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирларни тулик бажарилишини таъкидлаганда,аҳолини турмуш тарзини баҳолашда назоратни тугри ташкил килиш,уни таъсирчанлигини ошириш, тарбиявий салохиятни баҳолаш алохида ахамиятлидир.Йиллар давомида назоратни турли усул ва шаклларида фойдаланиш назорат туридан катъий назар унинг бош мақсадини хаспушлаб келди, назоратни сиёсий кучга айлантириш амалга оширилди.Республикамизда амалга оширилган хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш яъни мулкка булган муносабатни узгартириш,корхоналарнинг хужалик фаолиятини тижорат асосида аудиторлик фаолиятдан утказиш, корхоналар ахборотларидан мустакил фойдаланишни ташкил килишда аудиторлик текширувини талаб килади.

Аудиторлик текширув Республикамизда амал килинган назорат турининг ташкил топган ва хозирда ривожланаётган назорат шаклига айланди.Бозор иктисодиётига утган давлатлар тажрибаси шуни курсатадики, ишончли маълумотни беришдан давлат ва тижорат тизимида холи булган томондагина олиш мумкин.Назоратни Республикамиздаги ёш тури хисобланган аудитнинг хусусияти унинг мустикаллигидадир.

Хозирги кунда мавжуд булган назорат турларини яхшилаш хужалик фаолиятини молиявий ҳолатини текширишдаги камчиликларни бартараф килиш, текширишлардаги параллелликларни йук килиш ҳамда тадбиркорликнинг ҳукукларини химоя килиш мақсадида Република Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хужалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил килишни тартибга солиш тугрисида» ги фармонида «аудиторлик текширишларни утказиш буйича сарф харажатлар ана шу текширишларни тайинланган ташкилотлар томонидан копланеди» деб белгилаб куйилган.Фармонни қабул килиниши Республикамизда тафтиш, назорат ва аудитни янада ихчамлаштириш, унинг таъсирчанлигини оширишга хизмат килади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро микёсдаги обрӯ-эътибори дунё давлатлари томонидан тан олинмоқда ва унинг иктисодий салохиятидаги ижобий узгаришлар бошқа давлатлар томонидан урганилмоқда, таҳлил килинмоқда

Республика иктисодиётини ривожлантиришда президентимиз томонидан ишлаб чиқилган иктисодий ислохатлар давр талаби,ривожланиш учун куйган пойдевор вазифасини бажармоқда. Мамлакатимизда иктисодий ислохатларни босқичма-босқич амалга ошириш уз самарасини бермоқда.

Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, йул қуйилган камчиликларни таҳлил қилишда назорат турларини тугри ташкил қилиш давр талабига айланмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни кенг ривожлантириш, назорат ишларини таъсирчанлигини ошириш уни бошқариш жараёнидаги фаолиятни такомиллаштириш мақсадида юқорида «аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонунда қушимча ва узгартиришлар қиритиш зарурати тугилди. Бу масалани қуриб қиккан Олий Мажлис қонунни янги тахрирни тасдиқлади. «Аудиторлик фаолияти тугрисида» (янги тахрирда) қонун қабул қилишди.

қонунга асосан аудит мустақил равишда мулк эғасининг молиявий ҳолатини, ҳисоботини таҳлил қилиш, экспертиза утқазиш йули билан амалга оширилади. Хужалик операцияларини амалдаги қонун ва йуриқномаларга мос қелишини аниқлаш мақсадида утқазиладиган назорат туридир.

«Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонунда бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботларни тасдиқловчи баланс, фойда ва зарар тугрисидаги ҳисоботлар билан бирғалиқда улардаги маълумотларни ишонқлигини таъминлашда ишлатилишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 майдаги 198 сонли «Қорхоналарда молиявий назорат ва уни хужалиқлар ҳисобга жорий қилишда аудиторлик молия назоратининг шакллари» қарорида аудиторлик фаолиятини шартнома асосида ташкил қилиш қурсатилган.

1993 йил 17.06. 293-сонли «Аудиторларни ва аудиторлик фирмаларининг давлат руйҳатига олиш тугрисида» Низомни Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди. қарори асосан аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини давлат руйҳатига олиш учун улар қуйидаги хужжатларини тақдим этадилар:

-аудитор ва аудиторлик фирмасини давлат руйҳатига олиш учун ариза;

-аудиторлик фирмалари томонидан таъсисчиларнинг уларни ташкил этиш тугрисидаги шартномаларнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси.

-янги ташкил этиладиган аудиторлик фирмалари учун уларда бино ва зарур усқаналар мавжудлигини тасдиқловчи хужжатлар ва бошқа хужжатлар.

-аудиторларнинг ва аудиторлик фирмаларини руйҳатга олиш билан боғлиқ барча хужжатлар илова қилинган ҳолда ариза берилган қундан бошлаб 30 қун ичида амалга оширилади.

-Республикада текширишларни тартибга солиш, текширишларни секин қамайтириш, уларда мавжуд бўлган параллеллик ва тақрорланишларни бартараф этиш, тадбиркорликни

хукукий асосларини химоя қилиш манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хужалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тугрисида»ги фармонда мулкчилик шаклидан қатъи назар хужалик юритувчи, ҳамда тадбиркорлик тузилмаларини молия хужалик фаолиятини тафтиш қилиш бир йилда бир марта амалга оширилиши ва 30 календар кундан ошмаслиги, аудиторлик текширишларни утказиш бўйича сарф харажатлар ана шу текширишни таъминланган ташкилотлар ҳисобида қонланиши фармонда белгилангандир.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги қонунни (янги тахрирдаги) аудит ва аудиторни мақсади, вазифалари белгилаб берилган. қонунни 2 моддасида: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларнинг аудиторлик текширувларини утказиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар курсатиш борасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш таъқиқланади» деб белгилангандир.

Аудит назоратни корхонада молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш тулиқлигини таъминлаш, ички имкониятларини ишга солиш, солиқ туловларини ўз вақтида тугри туланганлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш, молиявий натижаларни аниқлашда, харажатларни камайтириш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тугрисида»ги 2000 йил 22 сентябр 395-сонли қарорида «бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш аудиторлик ташкилоти томонидан амалга ошириладиган микрофирмаларнинг молия-хужалик фаолияти солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан тегишли аудиторлик ташкилоти албатта жалб қилинган ҳолда текширилади. Бунда молиявий ҳисоботнинг тугрилиги учун аудиторлик ташкилоти жавоб беради» деб белгиланган.

Қарорда аудиторлик ҳулосаларини солиқ органлари ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби, мажбурий ундириш тартиби, аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби белгилангандир.

3. Ўзбекистонда аудиторлик андозалари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган иқтисодий ислохатлар иқтисодиётни эркинлаштиришга, аҳоли турмуш тарзини яхшиланишига қаратилгандир. Республикада амалга оширилган

мулкчилик шакллари ва ундан кутилаётган иктисодий самара шундан иборатки, истеъмол бозорини товар билан тулдириб бериш, сифатли махсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш ва ракобат мухитини яратишга қаратилгандир. Юқоридаги вазифаларни бажариш биринчи навбатда мулкни туқинлигини таъминлаш, кам харажат қилиб, тежамкорлик асосида фаолият қурсатишни талаб қилади.

Мулк туқинлигини назорат қилиш тадбиркорлик фаолиятини ривожланишига ўз хиссасини қўшади. Аудит назорати хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри баҳолашда хизмат қўсатувчи муассаса сифатида олиб борилади.

Аудитнинг зарурати биринчидан ҳисоблаб бериш имкониятларидан қелиб қикса, иккинчидан мулк шаклидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир. Аудит назорати ёрдамида хужалик фаолиятида эришилган ютуқ ва камчилик, нуқсонларни бартараф қилиш имконияти яратилади.

Аудитни тўғри ташкил қилишда аудит стандартларига риоя қилиш талаб қилинади. Стандартлар ёрдамида аудитнинг сифати ва ишончилиги таъминланади. Аудит андозаларида аудиторларни тайёрлаш тартиби аудит назоратини ўтказиш ўчун талаблар белгиланади.

Аудит андозалари ёрдамида текширув сифатига алоҳида аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикасида аудит назоратини ўтказишда Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатан ўтказилган аудит миллий стандартлари алоҳида аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси аудит миллий андозасининг 3-сонли "Аудитни режалаштириш" га (14 май. 1999 йил. №54) бағишлангандир. 3-сонли "Аудитни режалаштириш" миллий стандартида текширув ишларини режалаштириш, аудит назорати ишларини тартибга солиш, аудит назорати бўйича дастур ишлаб чиқариш масалаларига қаратилгандир.

4-сонли "Мижоз фаолияти билан текширув" миллий стандартида хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини урганиш, ҳисобот қўрсаткичлари таркиби, миқжозни молиявий ҳолати ва натижалари билан танишув тартиби қўрсатилган.

Аудит ишларини тўғри ташкил қилиниши аудиторнинг иш фаолиятини тўғри тақсимланишига олиб қелади. Аудитор иш фаолиятининг сифати биринчи навбатда андозаларда қўрсатилган мезонлар асосида ташкил қилиниши қерак. Аудит андозалари иктисодиётдаги ўзгаришлар, фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари билан вақти-вақти билан ўзгариб туриши мумкин. Бу ҳолат аудит методологиясига ҳам тегишли ўзгартиришлар қиритилишига олиб қелиши мумкин. Аудит методологиясини тўғри ишлаб чиқилиши

биринчидан, назорат ишларини таъсир кучини оширса, иккинчидан утказилган аудит сифатини белгилаш учун асос ҳисобланади.

Аудит андозаларига риоя қилиш, назорат ишларида илмий ютуқларни жорий қилишга уни такомиллаштириш билан боғлиқ амалий ишларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш имконини беради. Республикамизга чет эл инвестицияларини кириб келиши, ҳамма корхоналарни ташкил қилиниши, миллий аудиторлик андозаларини халқаро андозаларга мос қилишини тақозо қилган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унга риоя қилиш аудитни халқаро талабларини бажаришга олиб келмоқда.

Аудит методологияси ва андозалари халқаро тизимда ҳам узининг муаммо ва ечимларини биргаликда ҳал қилинишига тегишли фирма ва амалиётчилар томонидан урганилиб чиқилмоқда.

Аудит андозалари ёрдамида аудиторнинг иш фаолиятини тартибга солиш билан бирга текширишнинг мақсади, жавобгарлик томонлари урганилади. Андозалар ёрдамида назорат утқозиш давомида амал қилинадиган қоидаларга риоя қилиш талаб қилинади. Аудит андозаларида назорат утқозишдаги ҳужжатлардан фойдаланиш тартиби ҳам қурсатилади.

Аудиторлик фаолиятида қулланиладиган усуллар, қоидалар мавжуд бўлиб улардан фойдаланиш тартибига риоя қилиш аудитордан талаб қилинади. Шунинг учун аудиторлик текширувида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган маълумотларга шу жумладан, ҳисобларда ҳужалиқ операцияларини тугрилигини ҳисобот қурсаткичлари бир-бирига мос қилишига алоҳида эътибор берилади.

Айрим ҳолларда ҳисоб қурсаткичлари билан ҳисобот қурсаткичлари уртасида фарқ суммаларини қелиб чиқиши мумкин. Мисол учун "Давр харажатлари" ҳисобидаги ёзувлар билан давр харажатлари ҳисоботида фарқ бўлиши табиий, чунки харажатлар сотилган ва қолган товарларга тақсимланган ҳолда ҳисоботда "Давр харажатлари" ҳисобининг қолдиги сифатида қурсатилади.

Аудит назоратини тугри ташкил қилишда иш ҳажмини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Иш ҳажмини тугри белгилаш аудиторлик назоратини самарадорлигини оширади. Аудит ишларини олиб бориш тегишли режани талаб қилади. Бу режада аудитор уз иш фаолиятини тартибга солади, барча маълумотларни туплаш, умумлаштириш, текширув яқунларини тайёрлашга асос яратади.

Аудиторлик фаолиятини сифати, ишланганлиги ва улар учун белгиланган (қабул қилинган) андозаларнинг талабларида қелиб қикади.

Аудит стандартларига риоя қилиш, текшириш натижаларини қетма-қетлигини, сифатини, самарадорлигини таъминлайди. Аудит стандартлари иқтисодий фаолиятини урганган ҳолда ишлаб чиқилган

булиб, унга риоя килиш аудитор этикаси, мижоз олдидаги мажбурияти, ҳукуки. вазифаларини аниқлашда ҳам яқиндан ёрдам беради.

Аудит стандартларига асосан махсус аудиторларни тайёрлаш бўйича дарсларни ташкил килиш тадбирлари белгилайди.

Аудит стандартлари асосида аудитни утказиш метадалогиясига риоя килиш белгиланади. Аудит стандартларини ишлаб чиқишда ва жорий килишда халқаро тажрибадан утган аудит мақомлари ҳисобга олинган. Республикамизга чет эл инвестицияларини кириб келиши, қўшма корхоналарни барпо қилиниши аудит халқаро стандартларига риоя килиш ва қўллашни тақозо қилмоқда, зарурияти ошиб бормоқда.

Асосан аудит андозалари билан 1997 йилда ташкил қилинган бухгалтерларнинг халқаро федерацияси шугулланади. Бу ташкилот ҳузурида аудиторлик амалиёти комитети ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси аудит ишларини такомиллаштиришга қаратилгандир. Дунёдаги қўп давлатлар халқаро аудит андозаларини миллий андозалар шакли сифатида қабул қилишган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, аудит андозалари ишлаб чиқишга шароит яратилди деб ҳисоблаш мумкин.

Аудит утказишдан асосий мақсад амалга оширилган ҳужалик операцияларининг, ҳужалик фаолиятини амалдаги қўнунларга, белгиланган қўном ва йуриқномаларга мос қелишини таъминлашдан иборатдир. Бу вазифани қўл қилиш аудитордан юқори малақани, қасб маҳоратини талаб қилиш билан бирга аудит утказилаётган қўрхона фаолияти бўйича ётарли ва қўракли маълумотлар билан таъминланиб бориши қўрак.

Аудит утказишга тайёргарлик қўриш бу назоратни тайёргарлигини ошириш, ишни сифатли бошқариш билан бирга ҳужалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш услуби қандай ташкил қилинганлигини урганиш алоқида эътиборлидир.

Аудит ишларини утказишга тайёргарлик биринчи навбатда аудитор ўз режасини тўғри, аниқ тўзган бўлиши қўрак. Режада бошқариш услуби, ички назорат ҳолати, назорат натижаларини, ҳисоб ва ҳисобот қўрсаткичларини бир-бири билан боғлиқлиги, қабул қилинган қўрорларни бошқарилиши, қўхона фаолияти қўр томонлама таҳлил қилинган ҳолда қўрсатилган бўлиши қўрак.

Аудитор тегишли қўрхонада аудит утказиш учун тайёргарлик қўрар экан, асосий эътиборни қўйидагиларга қаратилган ҳолда ўз тайёргарлигини қўради:

1. Аудит утказилаётган қўрхона тўғрисида тўлик маълумот тўплаш;
2. Мақсад, вазифаларни тўғри белгилаб олиш;
3. Ички назорат ҳолатини урганиб чиқиш;
4. Ҳисобот қўрсаткичларини иқтисодий тиллардан утказиш.

Умуман олганда, аудит тайёргарлик куриш аудитор ва мижоз томонидан ташкил килинса. Иктисодий ҳамкорлик янада мустахкамланади. Мижоз томонидан тайёргарлик ишларига тегишли хужжатларни аудиторга тайёрлаб бериш, уларни кетма-кетлигини саклаш, утказилган йигилиш карорларини тайёрлаш, турли корхоналар билан олиб борилган хисоб-китобларни тасдиқловчи хужжатлар тайёрлаб куйилиши керак. Аудитор ва мижозни тайёргарлик ҳолати текширишни сифатли утказилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги "Аудиторлик фаолияти тугрисида" ги қонуннинг 2-моддаси 2- бандидан "Аудиторлик фирмаси-юримдик ва жисмоний шахс томонидан тузилган, белгиланган руйхатдан утказилган, уз уставига кура фаолият соҳаси аудиторлик хизматлари курсатишдан иборат булган корхонадир" деб белгиланган.

Аудиторлик фирмалари уз уставига биноан фаолият курсатадилар, бунинг учун фирма давлат руйхатидан утган ва лицензияга эга булиши шарт. Аудиторлик фирмалари мижоз билан иш фаолиятини шартнома асосида олиб борадилар. Фирма утказилган текширишларни сифати учун жавобгардир. Аудиторлик фирмалари билан тузилган шартнома асосан бухгалтерия хисобини юритиш, хисоботлар ҳолати, хисоботларни амалдаги қонунлар асосида тузилганлигини текшириб, бу тугрида ташкилот раҳбарига аниқланган камчиликларни маълум килади.

Корхона ва ташкилот раҳбари, бош бухгалтерлари текширув утказиш учун аудиторга молиявий ҳолати билан боглик хужжатларни тақдим киладилар. Аудиторлик фирмалари уз иш фаолиятини асосан кушма, ижара хиссадорлик жамиятлари, концепцияларда яъни юкори ташкилоти булмаган корхоналарда олиб борадилар. Иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солик идорасининг курсатмалари асосида ташкил килади ва улар билан яқиндан алоқа иши олиб боради.

Аудиторлик фирмасига раҳбарлик килишга таъсис этувчилар томонидан тайинланади, фирма иш фаолияти буйича жавобгар деб хисобланади. Аудиторлик фирмасининг иш фаолияти бевосита фирма директори томонидан олиб борилади. Фирма директори мижоз билан шартномалар тузади, ходимларни иш фаолиятини назорат килади, иш режаларин тасдиқлайди, яъни аудиторлик фирмасининг иш фаолиятини бошқаради.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган " Аудиторлик фаолияти тугрисида" ги қонуннинг 5-моддасида : "Аудиторлик ташкилоти аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга булган юримдик шахсдир. Аудиторлик ташкилотлари уз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир. Аудиторлик ташкилотлари,

Вазирликлар, давлат кумиталари, идоралари томонидан тузилиши мумкин эмас..." деб белгилангандир.

Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида давлат рўйхатидан утказилиши керак. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш мустакил ҳисобланар экан, бу фаолият ўз ишининг мутахассиси, билимдони, ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишларини мукамал эгаллаган ходимлар томонидан олиб борилиши амалдаги конунда курсатилгандир.

Аудитор бухгалтерия ҳисоби, молия, кредит ҳужалик фаолияти тахлили каби фанларни билиш билан бирга амалдаги конун ва Низомларни амалда кулланиш даражасига алоҳида эътибор бериш керак. Шунинг учун ҳар бир аудиторлик фирмаси ва аудитор тегишли малака сартификатига эга бўлиши керак. Аудиторлик лицензияси (гувоҳномаси) махсус ваколати бўлган давлат органлари томонидан берилади. Аудиторлик лицензияларини бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Аудиторлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини олиш учун мутахассислик бўйича имтиҳонлар ўқув-методик марказларида утказилади.

Мустакил ишлаётган аудиторлар ва аудиторлик фирмалари аудиторлик фаолияти билан факат амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни олганларидан кейингина шугулланишлари мумкин.

Аудит ишларини тартибли, сифатли утказиши, белгиланган муддатларга риоя қилиши биринчи навбатда миждоз билан аудиторлик фирмаси ўртасида тузилган шартномада ўз ифодасини топган. Шартнома шартларини бажариш учун ҳар икки томон ҳам манфаатлидир ва амалдаги конунларга асосан жавобгардир. Қўп ҳолларда миждоз билан аудиторлик фирмалари ўртасида тузилган шартномалар асосан фирманинг имтиёзларига алоҳида аҳамият берилади, яъни миждоз ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдан етарли фойдалана олмайди, шунинг учун шартнома-шартларини бажарилишига салбий таъсир қўп ҳолларда миждозлар зиммасига юклатилади.

Аудиторлик фирмаси шартномага асосан миждозга аудит утказишга ўз розилигини ёзма равишда билдиради. Розилик ҳатида Ўзбекистон Республикасида амал қилинаётган конунлар асосида утказилишини курсатиб утади.

Аудитор ишининг сифатини бевосита аудитор фирмаси раҳбари назорат ишини ташкил қилади. Назорат қилишда асосий эътибор аудитнинг иш дастури назоратидан бошланади. Дастурни тулик бажарилишини таъминлаш аудитордан юқори савияни, малакали ахлокий ваколатларга риоя қилишни талаб қилади.

Аудитор ишини давлат идоралари томонидан назорат қилиш амалдаги конунларда белгиланган.

Аудиторни иш тажрибаси, аудит утказишда алохида ахамиятлидир, шунинг учун корхона рахбари, хужалик юритувчи субъектлар аудиторлик фирмалари билан шартнома тузишда ҳар бир фирма фаолияти билан ундаги аудиторларнинг иш фаолияти билан танишиб чиққан ҳолда иш қуришлари керак. Аудиторни танлашдан олдин, аудиторга қандай масалаларни ҳал қилиш топшириқларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Агар аудиторга юклатилган вазифа, бошқа ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ бўлса, ёки солиқ органлари билан иш қуриш хусусида бўлса, унда аудитор шу органлар билан бахслашса, оладиган бу тугридаги қонун ва Низомларни аниқ биладиган аудиторни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Аудиторни танлашда биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ҳолатини қандай юритилиши тугрисида аниқ фикрга эга бўлиш аудитор ишини тез ва сифатли бўлишини таъминлайди.

Иккинчидан иш ҳажми албатта алохида ахамиятни талаб қилади. Агар корхона фаолиятини тулик аудитдан утказиш талаб қилинса, ҳамда йирик бу соҳада тегишли тажрибага эга бўлган аудитор фирмаларининг аудиторини танлашда мақсадга мувофиқдир.

Аудит назоратини ташкил қилиш, илоб бориш андозалар ёрдамида тартибга солинади.

Банк аудитнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий имкониятларнинг ислохатларнинг устивор натижаларидан бири, мулкӣ муносабатларда намоён бўлмоқда. Биз йиллар давомида қелган давлат мулки, нодавлат шаклидаги мулкка айланди. Иқтисодиётни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда.

Ҳар бир мулк эгаси биринчи мулкдан самарали фойдаланишни асосий мақсад қилган ҳолда фаолият курсатади ва уз фаолиятини натижаси сифатида фойдали ишлашни, фойда қуришни асосий мақсад деб ҳисоблайди. Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳолис текшириб бериш, иш фаолиятини яхшиланишига тавсия берувчи, ҳато ва қамчиликларни аниқ курсатиб берувчи аудит республикмиздаги янги назорат туридир.

Бозор муносабатларига мос ҳолда фаолият курсатиш шароитида аудит ва аудитор хизматиға бўлган эҳтиёж вужудға қелади. Бу эҳтиёжни қондириш тегишли тайёргарликка эга бўлган, етарли иқтисодий билимлар билан қуролланган аудиторларға бўлган талабларни оширади.

Аудит ёрдамида қорхоналарнинг молиявий фаолияти, натижалари урганилади, таҳлил қилинади. Натижалари асосида тегишли қарорлар қабул қилиш имконияти яратилади. Аудит ёрдамида

уз фаолиятини амалдаги конунларга мос ҳолда ташкил этилганлиги, қабул қилинган қарорларни бажарилиши урганилади. Аудит қорхона, ташкилот фаолиятини аниқ баҳолашда ишлатадиган назорат туридир. Бу назорат турини узига ҳос ҳусусияти шундаки миждоз уз ихтиёри билан аудит фирмасини танлаш имқониятига эга булади.

Президентиимиз И.А. Қаримов 2000 йил 11 февралда булиб утган Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин, руй-рост айтиш керакки, бозор иқтисодиётига ҳос янгиликлар ва ислохатлар расмийтачилик билан олиб бормоқда, қуп холларда ҳужа қурсинга амалга ошириляпти. Асосан ном узгаряпти-ю мазмун мохийат уша-уша эскилигича қолмоқда.»² деб тугри баҳо берди. Бундай ҳолатда аудит назоратини ташкил қилишда ҳам учратиш мумкин. Мамлакатимиз чуқур иқтисодий таназзулдан утиб олди, қуп укладди иқтисодиёт шаклланди. Бу давр назоратни янги шакли ҳисобланган аудит характерлидир. Назорат турларини давр талабига мос қелтиришдаги йул қуйилган қамчиликлардан бири назоратни таъсир қучини пасайиб қетганлигига айтиш мумкин. «Аудиторлик фирмалари утқазаетган тафтишларда қуп ҳато ва қамчиликларга йул қуйилмоқда. Улар аксарият холларда ҳужалик субъектларини тузилган шартномалар асосида эмас, балки назорат идораларининг қурсатмаларига биноан тафтиш қилмоқдалар.» Бундай ҳолатларни бартараф қилишда «Аудиторлик фаолияти тугрисида»ги конун асосида фаолият қурсатиш талаб қилинади.

Аудиторлик назоратидан қутиляаетган асосий мақсад мулк шаклидан қатъий назар ҳужалик фаолиятини ташкил қилишда, бошқаришда, Республикада амал қилинааетган конун меъёрий ҳужжатларни бажарилишини таъминлаш булса, иқкинчидан белгиланган туловларни уз вақтида, тугри туланишини тахлил қиладилар.

2-мавзу: Банкларда ички ва ташқи аудит.

1. Ички банк аудити ва уни утқазиш тартиби.
2. Ички банк аудитининг мақсади ва вазифалари.
3. Банк ходими ҳисобланган аудитор томонидан утқазиладиган ички банк аудитининг утқазиш тартиби
4. Бош банк аудиторлари томонидан утқазиладиган аудиторлик текширувини мақсади ва уни утқазиш тартиби.
5. Марқазий банк аудиторлари томонидан утқазиладиган ички аудиторлик текшируви ва уни утқазиш тартиби.
6. Ташқи банк аудити ва уни утқазиш тартиби.

7. Ички ва ташки банк аудитлари уртасидаги фарк.

8. Ташки банк аудитини утказувчилар.

1. Ички банк аудити ва уни утказиш тартиби.

Тижорат банкларда банк назорати куйидагилар томонидан утказилиши мумкин.

1. Банк ходими хисобланган аудиторлар томонидан.

2. Банк бошқарувчиси ёки кузатув кенгаши қарорига асосан ташкил қилинган тафтиш комиссияси томонидан.

3. Бош банк аудиторлари томонидан.

4. Марказий банк аудиторлари томонидан.

Банк ходими хисобланган аудитор қўнлик бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштирилади текширувдан утқазиб боради.

Тафтиш комиссияси айрим бўлимларни ёки моддий қийматликларни бўғлигини назорат қилиш мақсадида ташкил қилинади. Тафтиш комиссияси банкнинг касса қўлдигларини текшириб боради. Бундан ташқари тафтиш комиссияси банкнинг бошқа бўлимларини текшириши ҳам мумкин, агарда бу бўлимларда қўноққўний ишлар амалга оширилади бўлса.

Бош банк аудиторлари томонидан утқазиланган аудиторлик текширувида текширилади даврдаги ҳисобот маълумотлари аналитик ҳисоб ҳужжатларига қўлиштириш йўли билан текширув амалга оширилади.

Марказий банк томонидан утқазиланган аудиторлик текширувида ҳуқуққў қарорларига, президент қармонларига, Марказий банк йўриқномаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади текширувдан утқазилди. Ушбу текширув танланма ёки қўмплекс усуллардан бирида амалга оширилади.

2. Ички банк аудитининг мақсади ва вазифалари.

Ички банк назоратини утқазидан мақсад назорат турлари бўйича турлича белгиланиши мумкин.

Банк ходими хисобланган аудитор томонидан назорат утқазидан мақсад қўнлик бухгалтерия ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш қилиб белгиланган.

Тафтиш комиссияси томонидан назорат утқазидан мақсад ула томонидан утқазиланган назорат объектларига қараб турлича бўлиши мумкин, яъни текширилади бўлимдаги моддий қийматликларни бўғлигини назорат қилиш ёки бўлимда қўвжуд ҳужжатларни тўғри расмийлаштирилади текширидан иборат. Ушбу текширув якуни бўйича маълумотлар банк бошқарувчисига ёки қўзатув кенгашига қаддим қилиниб, банк

фаолиятини бошқаришда тегишли чора тadbирларни амалга ошириш мақсадида кулланилади.

Бош банк аудиторлари томонидан текширув утказишдан мақсад аналитик ҳисоб ҳужжатларни ҳисобот маълумотларга солиштириш йули билан ҳужжатларни тугри расмийлаштирилаётганлигини аниқлаш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф қилиш йулини курсатиб беришдан иборат.

Марказий банк томонидан утказиладиган аудиторлик текширувни утказишдан мақсад давлат томонидан ҳамда Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига амал қилинаётганлигини текширишдан иборат. Ушбу назорат давлат назорати ҳисобланиб, аниқланган камчиликларни давлат бюджетига бевосита ёки билвосита етказиётган зарарига қараб баҳоланади.

3. Банк ходими ҳисобланган аудитор томонидан утказиладиган ички банк аутитининг утказиш тартиби.

Банк ходими ҳисобланган аудитор мижозлар томонидан банкка тақдим қилинган аналитик ҳисоб ҳужжатларни ва уларга асосан бажарилган операцияларни тугрилигини текширади. Мижозлар томонидан банкка тақдим қилинган ҳужжатларни кунлик ҳужжатлар йигмасига тикишдан олдин текширувдан утказиб, топширилганлигини тасдиқлаш мақсадида имзо қуяди.

Бажарилган операциялар тугрилиги эса кунлик ҳисоботларни текшириш орқали амалга оширилиб, ҳисоботлар банк банк ҳисобчисига тақдим қилинишидан олдин текширувдан утказилади.

Текширув якуни бўйича аниқланган камчиликлар банк бошқарувчисига тақдим қилиб борилади. Банк бошқарувчиси томонидан бошқарув қарорини қабул қилиш учун аудитор томонидан тақдим қилинган маълумотлардан фойдаланилади.

4. Бош банк аудиторлари томонидан утказиладиган аудиторлик текширувини мақсади ва уни утказиш тартиби.

Бош банк аудиторлари томонидан қўпи билан бир йилда бир маротаба, қаида уч йилда бир маротаба мажбурий аудиторлик текшируви утказилади. Ушбу текширув даврида барча ҳисобот маълумотлари бошланғич ҳужжатларга солиштириш йули билан текширув амалга оширилиб ҳукумат қарорлари, президент қармонлари, Ўзбекистон Республикаси йуриқномалари ва боқа меъёрий ҳужжатларни бажарилаётганлигини текширилади. Ушбу назоратни утказишдан мақсад бошқа текширувлар даврида, яъни Марказий банк, солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлимлари томонидан утказилган текширувлар даврида камчилик аниқланмаслиги бўлиб ҳисобланади.

5. Марказий банк аудиторлари томонидан утказиладиган ички аудиторлик текшируви ва уни утказиш тартиби.

Марказий банк аудиторлари купу билан бир йилда бир марта, камида уч йилда бир маротаба якуний текширув утказишга ҳақли ҳисобланади. Якуний текширув дейилишига сабаб ушбу текширув якуни бўйича тузилган далолатномага асосан банкдаги мавжуд ҳужжатларни банк архивидан давлат архивига утказиб юбориш мумкин. Бундан ташқари ушбу текширувдан кейин фавқулотда вазиятлардан ташқари ҳолатларда текширув утказилмайди.

Ушбу текширув даврида барча бошланғич ҳужжатлар ҳисобот маълумотларига солиштириш йули билан текширув амалга оширилиб барча банк фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларининг бажарилиши, вазирлар маҳкамаси қарорларининг бажарилиши, президент қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг йуриқномалари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилиши текширилади. Текширув якуни бўйича тузилган далолатнома Марказий банкка тақдим қилиниб қўйилган қамчиликларни давлат бюджетига етказган зарарига қараб баҳоланади.

6. Ташқи банк аудити ва уни утказиш тартиби.

Банкларда утказиладиган назорат ички ва ташқи назоратларга бўлиниб, ташқи назорат банк аудити билан шугулланувчи хусусий аудиторлик фирмалари томонидан солиқ инспекциялари томонидан, ички ишлар органлари томонидан ва текшириш ҳуқуқи берилган бошқа текширув органлари томонидан амалга оширилади. Банк аудити билан шугулланувчи аудиторлик фирмалари томонидан тижорат банклари бир йилда бир маротаба ўзи хоҳлаган аудиторлик фирмаси билан тузилган шартномага асосан текширув амалга оширилади. Бунга сабаб, аксария тижорат банклари акцидорлик тижорат банклари ҳисобланиб, акцидорлик жамиятлари тугрисидаги қонунга асосан улар бир йилда бир маротаба ўзи хоҳлаган аудиторлик фирмаси томонидан аудиторлик текширувидан утқазилиши шарт ҳисобланади.

Солиқ инспекциялари томонидан банклар Марказий банк томонидан текширув утқазилаётган даврда, яъни купу билан бир йилда бир маротаба, камида уч йилда бир маротаба текширувдан утқазилади.

Ички ишлар органлари томонидан эса солиштира текширув даврида ёки фавқулотда ҳолатлар бўйича текширувдан утқазилади.

7. Ички ва ташки банк аудитлари уртасидаги фарк.

Ички назорат банк деган тушунча буйича утказилганлиги сабабли ички назорат деб аталиб, ички назоратнинг барча тури кайси даврда қандай қилиб утказилиши олдиндан белгиланади. Бундан ташқари ички назоратнинг тури мажбурий равишда утказилади. Яъни **банк ходими хисобланувчи аудитор** қўнлик бухгалтерия ҳужжатларини тўғрилигини доимий равишда текширувдан утқазиб боради.

Тафтиш комиссияси эса банк бошқарувчисининг ёзма буйруғига асосан текширилиши зарур деб хисобланган бўлимларни буйруқда қўрсатилган даврларда текширувдан утқазади.

Бош банк ва Марказий банк аудиторлари ҳам мажбурий равишда қўпи билан бир йилда бир маротаба, қамида уқ йилда бир маротаба махсус буйруққа асосан текширувни амалга оширади.

Ташки назорат банкдан ташқари, яъни банкқа боғлиқ бўлмаган органлар томонидан ихтиёрий ёки мажбурий тартибда амалга оширилганлиги учун ташки назорат деб аталади. Масалан, хусусий аудиторлик фирмалари томонидан ташки назорат банк хоҳишига қўра хоҳлаган даврда утқазилиши мумкин.

б) бошқа нусхаси маблағлар олувчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмага илова қилинади.

Туловчининг ҳисобварагида маблағлар булмаганда, инкассо топширикномаси 2-картотекада туловини қутаётган хужжатлар қаторига жойлаштирилади ва қонунчиликда урнатилган тартиб навбатида туланади.

Банк айби билан инкассо топширикномаси ижро қилинмаган ёки нотугри ижро қилинган ҳолда, қонунчиликда қўзда тутилган асослар бўйича ва миқдорда, банк жавобгар ҳисобланади.

5. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида миқдорнинг (туловчининг) топшириги билан ва унинг курсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) унинг контрагенти - маблағларни олувчи фойдасига туловни амалга ошириш ёки бошқа

банкка бу турдаги туловларни бажариш учун ваколат бериш мажбуриятини маблағлар олувчи томонидан ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда, олади.

Аккредитив буйича ҳисоб-китоблар утказиш тартиби ва унинг амал килиш муддати туловчи ва пул маблағларини олувчи уртасидаги шартномада белгиланади.

Шунингдек, шартномада куйидагилар курсатилиши шарт:

- а) банк-эмитентнинг номи;
- б) аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;
- в) аккредитивни очилганлиги тугрисида маблағларни олувчини хабардор килиш усули;
- г) аккредитивлар буйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи тақдим этиши лозим булган ҳужжатларнинг тулик руйхати ва аник тавсифи;

д) маҳсулотлар юклаб жунатилгандан (хизматлар курсатилгандан, ишлар бажарилгандан) кейин, ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга доир талаблар.

Аккредитивлар копланган (депонентланган) ва копланмаган турларда очилиши мумкин.

Копланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент уни очиш вақтида миқдорнинг уз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитентнинг мажбуриятлари амал килиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига утказиши шарт.

Копланмаган аккредитив очилган тақдирда, банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкида юритилаётган ҳисобварагидан учиратиш ҳуқуқини беради.

Аккредитивлар банк томонидан кузда тутилмаган ҳолатларнинг алоҳида ҳисобварақларида ва 22602 - “Миқдорларнинг аккредитивлар буйича депозитлари” ҳисобварағида ҳисобга олинади. Хар бир маблағларни олувчи учун унга хизмат курсатувчи банкда аккредитивлар буйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади.

Копланган ва копланмаган аккредитивлар чакириб олинмайдиган ёки чакириб олинмайдиган бўлиши мумкин. Унинг матнида ушбу белги мавжуд бўлмаган ҳолда, аккредитив чакириб олинмайдиган ҳисобланади.

Чакириб олинмайдиган аккредитив банк-эмитент томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан хабардор қилмаган ҳолда, узгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивни чакириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди. Туловчи чакириб олинмайдиган аккредитивнинг шартларини узгартириш ёки бекор қилиниши тугрисидаги барча курсатмаларни маблағлар олувчига, фақат банк-эмитент орқали бериши мумкин, ушбу банк маблағларни олувчининг банки (ижрочи

банк)ни, у эса - маблаг олувчини, хабардор килади.

Агар ижрочи банк операцияларни бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари узгартирилганлиги ёки у бекор килинганлиги хақида билдиришнома олмаган булса, у чакириб олинадиган аккредитив буйича туловни ёки бошка операцияларни амалга ошириши шарт.

Маблаглар олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чакириб олинмайдиган аккредитив, узгартирилиши ёки бекор килиниши мумкин эмас.

Ижрочи банк банк-эмитент билан шартнома асосида чакириб олинмайдиган аккредитивни тасдиклаши мумкин. Бундай холда, чакириб олинмайдиган аккредитив тасдикланган аккредитив булади.

Тасдикланган аккредитив булганда ижрочи банк, банк-эмитентнинг аккредитив шартларига мувофик, туловни амалга ошириш мажбуриятлари буйича уз зиммасига кушимча равишда мажбуриятлар олади.

Тасдикланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз узгартирилиши ёки бекор килиниши мумкин эмас.

Аккредитив буйича депозит ҳисобварагидан нақд пул берилишига ҳамда аккредитивни бошка шахслар номига қайта расмийлаштиришга йул қуйилмайди.

Туловчи аккредитив шаклидаги ҳисоб-китобларда банкка аккредитивга ариза тақдим этади.

Аккредитив учун аризада аккредитивлар буйича маблагларни олиш учун юкорида курсатилган тартибда, маблагларни олувчи тақдим этиши лозим булган аккредитив шартлари руйхати тулик булмаса, тасдиқловчи ҳужжатларнинг аниқ тавсифини ва уларни расмийлаштиришга доир талаблар мавжуд булмаса, банклар аккредитив учун аризани туловчига қайтариб бериш ва аккредитив ҳисобварақларни очмаслиги керак.

Аккредитивга ариза банк-эмитентга 2 нусхада тақдим этилади:

а) биринчи нусхаси туловлар амалга оширилгандан кейин, банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи нусхаси маблаглар туловчининг шахсий ҳисобварагидан олинган кучирмасига илова килинади;

Бир вақтнинг узида, аккредитив суммаси кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагига кирим килинади.

Депонентланган сумма миқдорнинг аккредитив учун аризаси буйича электрон тулов тизими орқали маблагларни олувчи банкка жунатилади ва маблаглар олувчининг аккредитив ҳисобварагига киритилади. Ижрочи банк маблаглар келиб тушганлиги тугрисида маблагларни олувчига хабар беради.

Ижрочи банкда аккредитивни очиш тугрисидаги электрон ариза 2 нусхада коғозга чиқарилади, бунда:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) бошка нусхаси 1-картотекасига жойлаштирилади.

Маблаглар олувчининг талаб килиб олингунча депозит ҳисобварагига у томонидан банкка томонлар шартномасида кузда тутилган ва аккредитивнинг барча шартларини бажарилганлигини тасдиқловчи хужжатларни, аккредитив муддати утгунга кадар тақдим этганда, маблаглар утказиб берилади.

Маблагларни олувчи ижрочи банкка тасдиқловчи хужжатларни икки нусхада тақдим этади.

Ижрочи банк маблагларни олувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя килинганини ҳамда тасдиқловчи хужжатларнинг тугри расмийлаштирилганлигини текшириб куриши шарт.

Аккредитив шартларининг лоакал биттаси бузилганида ҳам, маблагларни олувчи ҳисобварагига маблагларни кирим килиш таъқиқланади.

Маблаглар олувчининг депозит ҳисобварагига маблагларни кирим килишда ижрочи банк турт нусхада мемориал ордер ёзади, "Тулов максоди" графасида тулов кайси шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, шу шартноманинг раками ва санасини курсатади ва:

а) мемориал ордернинг биринчи нусхаси, тасдиқловчи хужжатларнинг бир нусхаси билан бирга банкнинг кунлик хужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) иккинчи ва учинчи нусхалари, уларни тасдиқловчи хужжатлар илова килиниб, банк-эмитентга жунатилади;

в) мемориал ордерининг туртинчи нусхаси шахсий ҳисобварагидан олинган кучирма билан биргаликда, маблаглар олувчига берилади.

Бир вақтнинг узида, аккредитив буйича туланган сумма 1-картотекадан ҳисобдан чиқарилади.

Банк-эмитент, аккредитивни ижроси тугрисида ижрочи банкдан хужжатларни олгандан кейин, олинган мемориал ордерга асосан кузда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагидан аккредитив суммасини ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи хужжатларни мемориал ордернинг бир нусхасини илова килиб, туловчига беради.

Маблаглар олувчининг банкида аккредитив қуйидаги ҳолларда
гпилади:

а) аккредитив муддати тамом бўлгач;

б) маблаглар олувчининг аккредитивнинг амал килиш муддати тамом бўлгунча, ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги ёзма аризасига кура, агарда бу аккредитив шартларида курсатилган бўлса;

в) туловчининг аккредитивни тулик ёки қисман чакириб олиш

хакидаги ёзма талабига кура, агар бу аккредитив шартларида кузда тутилган булса, аккредитив банк-эмитентдан хабар етиб келган кун ипилади ёки камаяди, лекин 22602 - "Мижозларнинг аккредитивлар буйича депозитлари" баланс хисобварагидаги колдик суммадан куп булмаган холда.

Ижрочи банк аккредитив ёпилганлиги тугрисида банк-эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сумма туловчининг банкига маблаглар кайси хисобварақдан депонент килинган булса, уша хисобварақка утказилади.

Кузда тутилмаган холатлар хисобвараги, аккредитив тулик ишлатилмаган ва уни банк-эмитентнинг туловчининг талаб килиб олингунча депозит хисобварагига кайтарилган холда ҳам ёпилади.

Маблагларни олувчининг банкида аккредитивлар буйича кисман туловлар амалга оширилганда, туланган суммалар тулов миқдорига караб, банк-эмитентда кузда тутилмаган холатлар хисобварагидан чиқарилади.

6. Чек билан хисоб-китоблар аудити.

Тижорат банки хисоб-китоб чеки (кейинги матн буйича - чек) - бу мијознинг хизмат курсатувчи банкка, чек берувчининг хисобварагидан, чек қабул килувчининг хисобварагига маълум миқдордаги маблагларни утказиб бериш топширигидир.

Чеклар тижорат банклари буюртмаси буйича, уларнинг фаолияти учун етарли булган миқдорда Марказий банкнинг "Давлат белгиси" ДИЧБ да тайёрланади. Бунда чек серияси ва раками, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси типография усулида чоп этилади.

Чеклар факат товарлар, иш ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар/якка тартибдаги тадбиркорлар уртасидаги нақд пулсиз хисоб-китоблар килишда кулланилади.

Чекнинг максимал суммасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки урнатади, минимал суммасини эса - тижорат банклари мустакил равишда белгилашади.

Банк чек берганда, жисмоний шахснинг аризасига асосан, чек суммасига 20206 - "Жисмоний шахсларнинг талаб килиб олингунча сақланадиган депозитлари" баланс хисобварагида, алохида иккиламчи шахсий хисобварақ очади ва туловларни факат шу хисобварақдан амалга оширади.

Чек омонат куювчи жисмоний шахснинг депозит хисобварагида сақланаётган маблаглар хисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

Чек икки кисмдан: хисоб-китоб чекини узидан ва милк (корешок)дан иборат. Милк хисоб-китоб чекида курсатилган суммаларни тасдиқлаш учун белгиланган назорат рақамларини уз

ичига олади.

Чекнинг амал килиш муддати тижорат банклари томонидан мустакил равишда белгиланади.

Агар чек амал килиш муддатида банкка тақдим килинмаган булса, чек суммаси 29842 - “Харакатсиз депозит мажбуриятлари” баланс ҳисобварагида ҳисобга олинади. Чекни эгаси амал килиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат қилган ҳолда, банк қаршиликсиз, чек эгасининг паспорти (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида, чекни қабул қилади ва тулаб беради.

Чекларни бериш тартиби:

1) Банкнинг масъул ходими чекни беришда қуйидаги реквизитларни тулдириши шарт:

а) чек берилган санани;

б) суммани рақамлар ва сўз билан;

в) жисмоний шахс (чек берувчи)нинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

г) паспорт (ёки унга тенглаштирилган ҳужжат)нинг серияси ва рақами;

д) чек берувчининг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобвараги;

е) чек берган банкнинг номи ва коди;

ж) чекнинг охириги амал қилиш санаси “КК.ОО.ЙЙЙЙ” шакли бўйича, бунда “КК” - кун, “ОО” - ой, “ЙЙЙЙ” - йил.

Қўрсатилган реквизитлар тулдирилгандан кейин, банкнинг масъул ходимлари ҳисоб-китоб чекига имзо қўядилар ва чекнинг милки (қорешок)ни назорат рақамлари жойлашган чегараси бўйича чекдан шундай қирқиб ажратадиларки, бунда чекда қолган сонлар чек суммасига мос қилини керак ва бу муҳр билан тасдиқланади. Чекни олувчига чекни олганлиги ҳақида милк (қорешок) га имзо қўйдирилади. Алоҳида дафтарга чекнинг серияси ва рақами, номига чек қўзилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ва чек суммаси (нақд пул билан қанча қўйилган, жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварагидан утқазиб, омонат дафтарчаси ҳисобидан чиқарилганлиги аниқ ҳолда) ёзиб қўйилади.

1) Кассир банкнинг масъул ходимидан барча зарурий ҳужжатларни олгач:

а) ҳужжатларнинг тугри расмийлаштирилганлигини текширади ва уларни имзолайди;

б) ҳисоб-китоб чекини олувчи шахсни қаққиб, чекни олувчидан нақд пулларни (қабул қилинаётган нақд пул суммада) ва чек учун хизмат ҳақини қабул қилади;

в) чекни олувчига ҳисоб-китоб чекини топширади;

г) чек милки(қорешок)ни амалиёт қўни охиригача узида қолдиради.

1) Амалиёт қўни охирида банк кассири бандеролларда ҳисоб-

китоб чекларининг милк (корешок)ларида белгиланган реквизитлар билан бирга, нақд пулларда қабул қилинган суммани ва омонат дафтарчаси (ҳамда жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олунаган депозит ҳисобварағи)дан ҳисобдан чиқарилган суммани курсатади, шундан кейин чек милк (корешок)ларини масъул банк ходимиغا топширади.

Ҳисоб-китоб чекининг милки рақамлари ва саналари бўйича, то туланган ёки қопланган чек таққослаш ёки чек суммалари банд (брон) қилинган 20206-“Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олунаган депозитлари” ҳисобварағидан ҳисобдан чиқариш учун банкка келгунга қадар, сақланишлари шарт.

Шундан сунг, ҳисоб-китоб чекларининг милк(корешок)лари банкнинг қўллик ҳужжатлар йиғмажилдига тегиб қўйилади.

1) Агар чекнинг бланк варағини тулдиришда хатога йўл қўйилган бўлса, унда ушбу бланк варағи бузилган деб ҳисобланади, унинг урнига эса, чекнинг янги бланк варағи тулдирилади. Бундай ҳолда бузилган чек бланкаси қўйидаги тартибда ҳисобдан чиқарилади:

а) “Ҳисоб-китоб” сузидаги ҳарфлардан бир қисми қирқилади;

б) чек бланк варақасининг уртасида бутун бўйига “Бузилган” деган устхат ёзилади ва сана қўрсатилади;

в) банкнинг бош бухгалтери ва кассири томонидан имзоланади.

1) Қабул қилинган, ишлатилган ва қайтарилган чек бланқларининг ҳисоби қўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағида қатъий назоратдаги бланқларнинг ҳаракатини ҳисобга олиб борадиган дафтарда қўрилади. Қўн давомида ишлатилган ҳисоб-китоб чек бланқлари сони қиким ордери бўйича қўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағидан қикарилади.

Чекларни тулаш тартиби:

1) чекни қабул қилувчи ташкилот ходими товарлар, иш ва хизматлар ҳақи учун чекни қабул қилаётганда, чек белгиланган намунадаги бланқада тулдирилганлигини, ўқиб тузатишларни ўқилигини, назорат рақамлари чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтқазиб ўборилмаганлигини, унда банк бўлими муҳрининг аниқ ўзи ва имзолар мавжудлигини текшириб қўради. Шундан кейин чек тақдим этаётганининг шахсини, чекни олишда асос бўлган ҳужжат бўйича тасдиқлайди.

Текширув бақарилғач ва сотилаётган товарлар, иш ва хизматлар учун чек туловга қабул қилингандан сунг, чекни қабул қилувчи ташкилот ходими ҳисоб-китоб чекининг тексари томонига ташкилотнинг тамғаси ва мансабдор шахсининг имзосини қўдиради.

2) Агар сотилаётган товар, бақарилган иш ёки қўрсатилган хизматнинг қиймати ҳисоб-китоб чеки суммасидан паст бўлса, у ҳолда чекни қабул қилувчи ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фойздан ошмаган миқдордаги қиймат қайтимини нақд пулда беради.

3) Товарлар, иш ёки хизматлар тулови учун қабул қилинган чеклар, чекларни қабул қилувчи ташкилотлар томонидан уларга хизмат курсатувчи банк муассасаларига пул тушуми билан бирга, инкассаторлар орқали белгиланган тартибда топширилади.

4) Банк томонидан қабул қилинган чеклар қуйидаги тартибда туланади:

а) чек берувчи ва чек қабул қилувчига битта банкда хизмат курсатилганда, чек суммаси чекни қабул қилувчи ташкилотнинг ҳисобварағи кредитига ва “Инкасса қилинган пул тушумлари ва чеклар” ҳисобварағи орқали чек берувчининг ҳисобварағи дебетига утказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади;

б) чек берувчи ва чек қабул қилувчига турли банкларда хизмат курсатилганда:

чек қабул қилувчининг банки чекда курсатилган сумма миқдоридagi маблағларни, қабул қилинган чекка асосан, чек қабул қилувчининг ҳисобварағига киритади. Тижорат банкларининг электрон ҳисоб - китоб чеклари электрон тулов тизими орқали чек берувчининг банкига жунатилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади;

чек берувчининг банкида чек суммаси олинган электрон ҳисоб - китоб чеки асосида дастурий йул билан автоматлаштирилган тарзда чек берувчининг иккиламчи ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади. Электрон чек банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмажилдига тикилади.

Қанча муддат утганлигидан қатъий назар, чек меросхурлар ва бошқа ишончли шахслар томонидан нотариал идора тасдиқлаган ҳужжат мавжуд бўлган ҳолда, қабул қилинади. Банк бошқарувчиси ва бош бухгалтер ҳужжатларни текшириб қургандан кейин, чек суммасини тулаб беришга рухсат беришади.

Фойдаланилмаган ҳисоб-китоб чеки банкка тақдим қилинганда банкнинг ходими:

а) тақдим этаётган чекнинг ҳақиқийлигини ва унинг эғасини чекни олишда асос бўлган ҳужжат бўйича текшириб, ишонч ҳосил қилади;

б) чекнинг юз томонига қуйидаги мазмунда устхат ёзади:

“_____ - сонли ҳисобвараққа суммани утказинг”;

в) чекни банкнинг бош бухгалтерига беради, тасдиқловчи ҳужжат эса эғасига қайтарилади.

Чек йукотилган тақдирда, банк йукотилган чек бўйича маблағларни ҳисобдан чиқаришда жавоб бермайди.

7. Пластик картичкалар бўйича ҳисоб-китоблар аудити.

Пластик карточка тегишли банкда карточка эғасининг ҳисобварағи мавжудлигини тасдиқловчи ва нақд пулсиз товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини берувчи, шахси

белгиланган, банк томонидан чиқарилган тулов воситасини узида ифода этади.

Пластик карточкада, албатта бир хил маъноли идентификация киладиган эмитентнинг номи ва логотипи қайд қилиниши шарт.

Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар, бир томондан, ҳамда махсулотни сотувчи, иш бажарувчи ёки хизмат курсатувчи юридик шахслар ёки яққа тартибдаги тадбиркорлар (кейинги матнда - савдо ёки хизмат курсатиш корхоналари), иккинчи томондан, уртасидаги буладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек, нақд пул бериш пунктлари (НПБП) ва банкоматлардан нақд пул олишда қулланилади.

Ваколатли банклар халқаро пластик карточкалар чиқариши ва улар бўйича хизмат курсатиши мумкин, бунда улар халқаро тулов тизимлари билан тузилган шартномаларга ва «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тугрисида»ги Низомга мувофиқ, бажариладиган операциялар қоидаларига амал қилишлари шарт.

Пластик карточкалар бўйича хизмат курсатиш шартномаси қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) томонларнинг номлари;
- б) шартнома мавзуси;
- в) томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) ҳисоб-китобларни ўтказиш шартлари;
- е) шартноманинг амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ҳал қилиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

Алоқадорлиги бўйича пластик карточкалар шахсий, оилавий ва корпоратив турларга бўлинади.

а) Шахсий карточка – бу жисмоний шахсга берилган пластик карточкадир.

б) Оилавий карточка – бу шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилган пластик карточкадир.

в) Корпоратив карточка – бу юридик шахсларга хизмат курсатиш учун мулжалланган пластик карточкадир. Корпоратив карточкалардан иш хақи ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа туловларни, шунингдек, нақд пул маблағларини тулашда фойдаланиш таъқиқланади.

Пластик карточкалар бажарадиган вазифалари бўйича қуйидаги турларга бўлинади:

а) дебет - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан мижоз уртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ,

узининг карточкасидаги пул маблағларидан товарлар, ишлар, хизматлар хакини тулаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишда (корпоратив карточкалардан ташқари) фойдаланиш имконини беради;

б) кредит - карточкасидан фойдаланиш унинг эгасига, эмитент билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ, эмитент томонидан товарлар, ишлар, хизматлар хакини тулаш ва /ёки нақд пул маблағларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) берилган кредит линияси миқдорида операцияларни амалга ошириш имконини беради;

в) электрон ҳамён – жисмоний шахсларнинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш унинг эгасига пластик карточкадаги коддик маблағлар доирасида товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тулаш ва/ёки нақд пул маблағларини олишга имкон беради;

Битта электрон карточкада бир неча “электрон ҳамёнлар” жойлашган бўлиши мумкин.

Пластик карточкада, уни шахс номига бириктиришда, қуйидаги реквизитлар ёзилган бўлиши шарт:

а) идентификация белгилари (картани рақами, серияси ва бошқалар);

б) банк-эмитент (карточкаларни чиқарувчи банк)нинг коди;

в) ҳисобварақ рақами ва карточка эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми (ташкилот номи);

г) карточканинг амал қилиш муддати;

Пластик карточкада бир неча ҳамёнлар мавжуд бўлганда, идентификация белгилари ҳар бир ҳамғни бир хил маъноли идентификациялаши лозим. Қурсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияларни амалга ошириш ва улар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган қўшимча белгилар киритилиши мумкин.

Қайта тулов воситаси сифатида фойдаланишга тайёрлаш (персонализация) учун қайтарилган пластик карточкалар ҳисоби 93609 - “Сакланаётган қимматликлар” қўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақининг алоҳида шахсий ҳисобварақларида олиб борилади.

Пластик карточкалар билан амалга ошириладиган операциялар қогоз қўринишида (слип, электрон терминал қвитанцияси) ва/ёки электрон шаклдаги (электрон терминал журналидан ёки банкоматдан олинган ҳужжат) ҳужжатларни, шунингдек, ҳисоб-китоблар қатнашчилари уртасида тузилган шартномаларда белгиланган бошқа ҳужжатларни (банкомат қвитанцияси ва бошқалар) тузиш лозимлигини қўзда тутди.

Ҳужжатлар ҳисоб-китобларда иштирок этувчи барча томонлар учун зарур бўлган нусхалар миқдорида тузилади.

Қвитанциялар утқазилган операцияларни қўлда тиклаш учун барча зарур маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, операцияларни

амалга оширишда тузилган хужжатлар реквизитлари, пластик карточкалар реквизитлари билан карточка эгаларининг банк ҳисобварақлари, шунингдек, корхона идентификаторлари, НПБП, банкоматлар ва ташкилотларнинг банк ҳисобварақлари уртасидаги мувофиқликни ҳаққоний белгилашга имкон берувчи томонлар уртасида келишиб олинган белгиларни уз ичига олиши керак.

Электрон хужжатлар банк-эквайер (савдо ёки хизмат курсатиш корхоналарига хизмат курсатувчи банк)га, банк- эмитентга ёки клиринг марказига, шартномада келишилган даврийликда жунатилади.

Битта банк булимлари уртасида карточкалар буйича ҳисоб-китоблар килиш технологияси, Бош банк томонидан, уз имкониятлари ва фойдаланадиган карточкалар турларидан келиб чиққан ҳолда, мустакил белгиланади.

Карточкалар буйича банклараро ҳисоб-китоблар технологияси куйидаги вариантларни кузда тутди:

а) Ҳисоб-китобларни амалдаги электрон туловлар тизими (ЭТТ) оркали ялпи ҳисоб-китоб асосда утказиш;

б) Ҳисоб-китобларни ҳисоб-китоблар катнашчилари томонидан ташкил этилган процессинг марказларидан кун давомида утказилиб, якуний узаро мажбуриятлар ҳисобланган ҳолда, тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақларидан якуний ҳисоб-китоблар суммасини утказиш.

ЭТТ оркали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, амалга оширилган операциялар буйича ялпи ҳисоб-китоблар килиш, куйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк-эмитент томонидан авторлаштирилмаган ҳолда амалга оширилган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайер хизмат курсатилаган савдо ёки хизмат курсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда, тузилган электрон хужжатларга асосан, маблағларни унинг ҳисобварағига утказди, бунда электрон туловлар тизими оркали банк-эмитентга жунатилувчи дебетли электрон мемориал ордери автоматик равишда шакллантирилади.

б) банк-эмитентда олинган дебетли электрон мемориал ордерга асосан мижознинг карточкали ҳисобварағидан дастурий равишда маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер босмадан чиқарилади ва кунлик хужжатларга тикилади.

2) банк-эмитент томонидан олдиндан шарт булган тартибда авторизация килинадиган ҳисоб-китобларда:

а) банк-эквайерда хизмат курсатилаган савдо ёки хизмат курсатиш ташкилотидан олинган, карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон хужжатларга асосан, ЭТТ оркали авторизациялаш ва утказмани амалга ошириш учун банк-эмитентга жунатиладиган электрон маълумот, фойдаланилаётган технология коидаларига

мувофик, автоматик равишда шакллантирилади;

б) банк-эмитент, олинган электрон маълумотларга асосан, транзакциялар авторизациясини утказди, мижознинг карточка ҳисобварагидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун автоматик равишда электрон мемориал ордери шакллантиради, савдо ва хизмат курсатиш ташкилотининг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварагига маблағларни утқизиш учун электрон туловлар тизими орқали банк-эквайерга жунатади.

в) банк-эквайерда, банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордерга асосан, маблағлар савдо ёки хизмат курсатиш ташкилотининг талаб қилиб олинганча депозит ҳисобварагига утқизилади. Мемориал ордер босмадан чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатларига тикилади.

Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни утқизиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида карточкалар бўйича барча транзакциялар, ҳисоб-китоблар катнашчилари томонидан тасдиқланган тартибда, процессинг маркази орқали утқизилади ва ҳисоб-китобларда катнашувчи ҳар бир банк учун алоҳида очилган шахсий ҳисобварақларда акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоблар катнашчилари келишувига асосан, ҳисоб-китоблар бўйича якуний суммалар (мажбуриятлар) тижорат банкларининг Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган вакиллик ҳисобварақлари орқали, шартномада қайд этилган даврийликда утқизилади;

в) банклар, процессинг марказидан олинган маълумотларга асосан, карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича, маблағларни мижозларнинг ҳисобварақларига киритадилар ёки чиқарадилар.

6-мавзу: Банкларда касса операциялари аудити.

1. Тижорат банклари томонидан мижозларга касса хизматини курсатиш ва касса ишини ташкил қилинишини текшириш.

2. Қирим касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш аудити.

3. Чиким касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш аудити.

1. Тижорат банклари томонидан мижозларга касса хизматини курсатиш ва касса ишини ташкил қилинишини текшириш.

Жамиятда пул айланиши икки катта қисмдан иборат:

накд пул айланиши ва накд пулсиз хисоб китоб шаклида пул айланиши.

Накд пулсиз хисоб-китоб шаклида пул айланиши бутун пул айланишининг 80-90 фоизини ташкил килади. Накд пулсиз хисоб-китоб шаклида пул айланишиасосан корхона ва ташкилотлар, улар билан солиқ, сугурта, пенсия ва бошқа фондлар билан буладиган хисоб-китобларида уз аксини топади. Аҳоли ва турли корхона, ташкилотлар аҳоли гурухлари уртасида хисоб-китоблар асосан накд пулда амалга оширилади. Масалан, аҳолига иш хақи, мукофат, нафақа, хизмат сафари харажатларини тулашда ва аксинча аҳоли томонидан савдо ташкилотлари, маиший хизмат, маданий оқартув ташкилотлари, дехкон бозори, озик-овқат ва кийим кечак бозорида аҳоли гурухлари уртасидаги алоқаларда накд пул иштирок этади.

Хар бир тижорат банкида корхона ва ташкилотларга касса хизмати курсатиш учун бир канча кассалар ташкил этилади, яъни банк муассасалари уз таркибида таркибий булинма касса операциялари булимига эга. Касса операциялари булимида бажариладиган кирим ва чиким касса операциялари «Ўзбекистон республикаси банк муассасаларида эмиссия-касса иши, пул тушумини инкассация килиш ва бойликларни ташишга доир» Марказий банкнинг 5 июн 1995 йилда тасдиқланган 23 сонли йуриқномаси асосида ташкил килинади.

Пул ёки бошқа бойликларни қабул килиш ва бериш учун касса операциялари булими таркибида кирим кассаси, чиким кассаси, катъий хисобда турадиган бланкаларни бериш кассаси, кечки кассалар ташкил килинади. Курсатиб утилган кассалар касса операциялари хажми ва касса ходимларининг белгиланган штатидан келиб чиккан холда банк муассасаси фармошишига биноан ташкил этилади. Йирик банк муассасаларида касса операциялари булимини бойликлар билан ишлашдан озод этилган ходим, яъни касса операциялари булимининг бошлиги бошқариши лозим. у касса ходимлари иши устидан назорат урнатади ва унинг ишига рахбарлик килади, ҳамда касса ишини тугри ташкил килиш, банк муассасасидаги барча бойликларнинг ишончли ва тулик сакланиши учун рахбар билан тенг даражада жавоб беради.

Касса операциялари булимларининг бошликлари эгаллаб турган лавозимларига Марказий банк ва тижорат банкларинг вилоят бошқармаларида тайинланадилар, тасдиқланадилар ва ундан озод этиладилар. Булим бошлиги ёки касса мудири лавозимида банк тизимида камида 3 йил ишлаган шахслар тайинланади.

Банк муассасаларининг рахбарлари кассалар ва пул омборларида бойликлар билан ишлашнинг белгиланган қоидаларини таъминловчи зарур шарт шароитларни таъминлашлари лозим. Банк кассаси касса тармоқларини лойихалаштириш ва урнатишнинг техникавий талабларига мувофиқ холда жихозланади, уни бошқа

хизматлардан ажратиб куйиш ва коидаларга кура бинонинг биринчи каватида жойлаштириш лозим.

Бегона шахсларни пул омборлари жойлашган жойнинг кузатишлари ва урганишлари учун ҳеч қандай имконият бўлмаслиги керак. Касса биносининг эшиклари кун бўйи давомида ичкаридан беркитилган бўлиши лозим. эшикларга ташқарини куриш мосламаси урнатилган бўлиши керак. Касса тармогининг барча деразалари кечки пайт пардалар билан тусилган бўлиши шарт.

Муомала кассаси ҳар бир кассирнинг иш жойи кабина урнатиш орқали ажратиб қуйилиши лозим.

Кассирлар столида кулфланадиган тортмалар бўлиши керак. Кассирлар кун давомида бойликларни сақлаш учун сейфлар, метал шкафлар, бойликларни ташиш учун аравачалар билан таъминланиши лозим. миждозларга хизмат курсатиладиган дарчаларга ичкари томонидан кулфланадиган эшикчалар урнатилиши лозим.

Кассирларнинг уз пуллари, устки кийимлари ҳамда шахсий нарсалари касса тармогида, бироқ касса хонасидан ташқарида урнатилган шкафларда ёки махсус ажратилган хоналарда сақланиши лозим.

Муомала кассаларининг кассирлари кириш ва чиқим касса ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга бўлган ҳисоб-касса ходимларининг имзолари намуналари билан кириш-чиқим касса операцияларини расмийлаштириш билан шугулланадиган ҳисоб операциялари ходимлари эса кассирлар имзосининг намуналари билан таъминланиши керак.

Банкларда касса операцияларини ҳисобга олиб бориш учун ҳисобварақлар режасининг «Активлар» бўлимида бир неча ҳисобварақлар очилган.

10100-«Нақд пуллар ва бошқа тулов ҳужжатлари».

10101-«Айланма кассадаги нақд пуллар»;

10103-«Пул алмаштириш шахобчаларидаги нақд пуллар»;

10105-«Чеклар ва бошқа тулов ҳужжатлари»;

10107-«Банкоматлардаги нақд пуллар»;

10109- «Йулдаги пуллар»;

10111- «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассаларидаги нақд пуллар».

Ушбу ҳисобварақлар балансга нисбатан актив ҳисобварақлар ҳисобланиб, қупайиш дебет томонда қамайиш кредит томонда акс эттирилади. Қолдиқ дебет томонда қолади.

1. Кириш касса операциялари, уларни ҳисобга олиш ва расмийлаштириш аудити.

Нақд пулларни операция қуни давомида қабул қилиш учун банк муассасаларида кириш кассалари ташкил этилади. Кассанинг кириш

операциялари деб, корхона ва ташкилотлардан тушадиган нақд пул тушумини, турли нақд пул куринишидаги бадаллар, фукароларнинг нақд пул омонатлари, иш хакига олинган пул маблағларининг таркатилмай колган кисми каби туловларни нақд пул куринишда банк касса ходими томонидан кабул килинишига айтилади. банк томонидан нақд пуллар куйидаги хужжатлар асосида кабул килиб олинади:

а) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан 0402001 шаклидаги пул топшириш тугрисидаги эълонлар буйича квитанциялар бериш билан, фукаролар омонатга пул куйганларида омонат дафтарчасига шу тугрисида ёзиб куйилади, дафтарча курсатилмаган тақдирда пул куювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади.

б) транспорт корхона ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги пул топшириш тугрисидаги эълонлар буйича 0402003 шаклдаги квитанция бериб.

в) хайрия фондларига утказилувчи нақд пуллар 0402001 шаклдаги пул топшириш тугрисидаги эълонлар буйича 0402004 шаклдаги квитанция бериш билан, 0402001 шаклдаги эълонда масъул ижрочининг имзосидан ташкари назоратчининг имзоси булиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарига кайд килиниши шарт.

г) бошка барча тушумлар 0482005 шаклидаги крим касса ордерлари буйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериб кабул килинади.

Крим касса операцияларни бажаришдаги асосий хужжат бу пул топшириш тугрисидаги эълондир. Пул топширишдан олдин мижоз томонидан ушбу эълон тулдирилади. Эълоннинг узи уч кисмдан иборат:

1. Эълон.
2. Квитанция.
3. Ордер.

Хужжатнинг учала кисми хам бир хил курсаткичлар билан тулдирилиши шарт. Яъни хужжат расмийлаштирилган сана, мижоз корхона номи, унинг талаб килиб олингунча депозит хисобвараги номери, муомала мазмуни яъни нима максадда пул топшириляётганлиги, пул топшираётган шахснинг фамиляси, исми, суммаси сон ва суз куринишида хамда топширувчининг имзоси. Хужжат номерини эса уни кабул килаётган маъсул банк ходими пул топшириш тугрисидаги эълонларни кайд килиш тартибида белгилайди. Эълонни кабул килиб олиш банкда нақд пул билан ишловчи назоратчи хисобчига юклатилган.

Нақд пул билан ишловчи назоратчи хисобчи уни кабул килиб олиб учала кисмини бир - бирига мос экандлигини текширувдан утказди ва тугри деб хисоблаганда учала кисмини хам имзо билан тасдиқлайди ва касса журналидан руйхатдан утказди. Крим касса

журналида тартиб номери, сана, пул топширилаётган хисобварақ номери, сумма ва нима мақсадда пул топширилаётганлиги яъни симболи курсатилади. Шундан сунг касса журнали билан бирга пул топшириш тугрисидаги эълон ички тартибда қирим кассаси кассирига утказилади. Қирим кассаси кассири пул топширувчи шахсни чақириб, ундан пулни қабул қилиб олади. Пулни қирим кассаси кассири санаб олаётганда стол устида бошқа пул бўлмаслиги керак, олдин қабул қилиб олинган пуллар сейфларда сақланиши лозим. Қирим кассаси кассири столи шундай жихозланган бўлиши керакки пул топширувчи кассирни санаб олшини назорат қилиш имконияти бўлиши керак.

Пулни қабул қилиб олгандан кейин кассир пулни пул топшириш тугрисидаги эълон ва қирим касса журналидаги маълумотларга мос эканлигини текширади. Тугри деб хисоблаганда эълонни қвитанция қисмини тасдиқлаб пул топширувчига қайтаради. Қвитанция пулни қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хисобланади. Эълон қисмини узида олиб қолиб, ордер қисми билан бирга қирим касса журналини нақд пул билан ишловчи назоратчи хисобчига қайтаради.

Кассирлар узлари қабул қилган ва топширган пул суммаларини 0482155 шаклдаги алоҳида дафтарга қайд қилиб борадилар. Операция қуни охирида қирим кассасининг кассири қабул қилинган ҳужжатлар асосида 0482109 шаклдаги маълумотномани тузади ва ундаги суммани узи қабул қилиб олган сумма билан таққослайди. Маълумотномани кассир имзолайди ва унда курсатилган касса айланмасини нақд пул билан ишловчи назоратчи хисобчидаги касса журнали ёзувлари билан солиштиради. Бу таққослаш кассажурналига кассирнинг ва касса маълумотномасида назоратчи хисобчининг имзолари билан расмийлаштирилади.

Операция қуни мобайнида қабул қилинган пулни кассир белгиланган тартибда дасталайди, ҳамда қирим журналлари ва 0482109 шаклдаги маълумотнома билан бирга касса мудирига 0482155 шаклдаги дафтарга имзо чекилгандан сунг топширади. Касса мудир эса, қабул қилинган пул суммасини кассирнинг маълумотномаси билан солиштиради, қабул қилинган суммани 0482155 шаклдаги дафтарга ёзиб қуяди, маълумотномага имзо чекиб, уни бош бухгалтерга беради. Маълумотнома текширилгандан сунг бош хисобчи ёки унинг уринбосари томонидан имзоланиб, шу қуннинг касса ҳужжатларига тикиб қуйилади.

Операция қуни давомида барча нақд пуллар айланма кассага қабул қилиниши ва тегишли хисобварақларга утқазилиши керак.

Қирим кассасига қабул қилиб олинган нақд пуллар қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали расмийлаштирилади:

Дт 10101-Айланма кассадаги нақд пуллар

Кт 20200-Талаб қилиб олингунча депозитлар

3. Чиким касса операциялари, уларни хисобга олиш ва расмийлаштириш аудити.

Тижорат банкларининг чиким касса операциялари деб, банк кассаларидан нақд пулларни берилиши билан боглик операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг уз ишчи ходимлари учун иш хаки, пенсия, стипендия, бошка нафакалар, мукофотлар, хизмат сафари харажатлари учун нақд пул олиши мумкин.

Йилнинг хар чораги учун корхона ва ташкилотлар касса режасини тузиб банкка топширадилар. Касса режасида нақд пулларни тушуми буйича алохида моддалар, нақд пулларни харажати буйича алохида моддалар курсатилади. Шу билан билга иш хаки олиш буйича иш хаки олиш кунлари белгиланади.

Корхона ва ташкилотлардан олинган касса режалари асосида хар бир банк касса режасини тузади. Хар кунги касса операцияларини олиб бориш учун канча нақд пул зарурлиги, канча нақд пул банк тушумлари хисобидан амалга оширилиши касса режаси асосида хисоблаб борилади.

Корхона ва ташкилотлар банкдан юкорида санаб утилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим. Иш хаки олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб, мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат курсатувчи масъул ижрочиға берилади. Масъул ижрочи энг аввало шу ташкилотнинг хисоб ракамида етарли пул миқдори борлигини текшириб, сунгра чекнинг тулик ва тугри тулдирилганлигини ҳамда иккита имзо ва корхона мухрларини имзолар ва мухр изи намуналарига мос эканлигини текширади. Хаммаси тугри булса чекнинг бурчагидаги назорат маркасини хиркиб олиб паспорт билан бирга мижозга кайтаради. Назоратчи яна бир бор текширув утказиб, сунг реквизитларни кассанинг чиким журнаliga кайд килади. Чиким журнаliga сана, хисобварақ номери, чек суммаси, хисобот симболи, алоқа хисобварақини номери курсатилади.

Назоратчи чекларни чиким журнали билан бирга ички тартибда кассага топширади. Кассир мижозни чакириб унинг паспорт ва назорат маркасиниолади. Назорат маркаси номери чек номери билан тугри келса, чекдаги паспорт курсаткичлари паспорт билан тугри келса, кассир чекдаги суммани мижозга санаб беради.

Кун охирида нақд пул билан ишловчи назоратчи хисобчи ва кассир бажарга операциялари буйича хужжатларни узаро солиштириб банкнинг хисоб марказига топширадилар. Хисоб марказидан хужжатлар асосида мижозларнинг шахсий хисобварақларидан кучирма чикариб берилади. ушбу операциялар буйича куйидаги бухгалтерия ёзуви килинади:

Дт 20200-«Корхоналарнинг талаб килиб олингунча депозит хисобварақлари»

Кт 10101 -«Айланма кассадаги нақд пуллар».

Шахсий хисобварақдан кучирма мижозга бир нусха топширилиб, бир нусха банкда алохида папкада сақланади.

7-мавзу: Банкларда кредит операциялари аудити.

1. Банк кўлаёвдорнинг иётисодий йўёёёё, аёамияти аё оёёёёёё.
2. Банкларда кредит олувчиларни кредитга лаёкатли даражасини аниклаш аудити.
3. Кредит операцияларининг расмийлаштирилиши ва хисобга олиниши аудити.
4. Кредит фоизларини ундиришини хисобга олинишини тугрилигини текшириш.
5. Банк кредитларини жалб этишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш

1. Банк кўлаёвдорнинг иётисодий йўёёёё, аёамияти аё оёёёёёё.

Бозор иктисодиётини эркинлаштириш шароитида кредит карзга бериладиган пул капитали ҳаракатланишининг шаклларида бири бўлиб хисобланади. Кредитлаш орқали аҳолининг, корхонанинг ва давлатнинг буш турган пул маблағлари банкларда тупланади ҳамда муайян ҳақ эвазига вақтинча фойдаланиш учун ҳужалик субъектларига берилади.

Ишлаб чиқариш воситалари қуринишидаги капиталнинг тармокдан-тармокка ўтиш имкониятлари жуда чекланган. Лекин иктисодиётда ҳар доим иктисодий ресурсларни, энг аввало капитални тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш зарурияти мавжуд бўлади. Бу вазифани энг оқилона тарзда кредит механизми ва унинг таркибий қисми бўлган банк кредити бажаради.

Банк кредити воситасида молиявий ресурслар пул капитали сифатида жамланади ҳамда тармоқлар ва корхоналар ўртасида бозор мезонлари асосида тақсимланади. Кредитни белгиланган муддат давомида қайтариш ва кредитдан фойдаланганлик учун муайян ҳақ тулаш зарурлиги кредитга олинган маблағлардан юқори самара бера оладиган фаолият соҳаларида фойдаланишга мажбур этади. Шундай қилиб, кредит иктисодиёт самарадорлиги даражасини оширишга хизмат қилади.

Банк кредитининг муҳим вазифаларидан бири - бу ишлаб турган корхоналар айланма маблағлари доиравий айланишининг ўзлуксизлигини таъминлашдан иборат. Бу асосан қисқа муддатли кредитлаш воситасида амалга оширилади. Қисқа муддатли кредит корхона ишлаб чиқариш захираларини тулдиришга, товар-моддий

бойликларини сотиб олишга, ишлаб чиқарилган товарларни сотиш жароёнида вужудга келган маблағларнинг вақтинча етишмовчилигини тулдиришга ва бошқа шу каби мақсадларга йуналтирилади.

Банк кредитлари корхоналар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилиши туфайли халқ хужалигида фойданинг капиталлашуви жароёнларини тезлаштиради. Бу бозор иқтисодиётини эркинлаштириш босқичида, мамлакатда қушимча иш жойларини яратиш нихоятда зарур бўлган даврда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Банк кредити мамлакатда пул массаси, ҳажми ва таркибига, тулов оборотига, пул муомаласи тезлигига жуда кучли таъсир қурсатади. Банк векселлар, облигациялар, сертификатлар ва бошқа муддатли мажбуриятли қимматли қозғалар чиқариш орқали кредит пуллари вужудга келтиради. Берилган кредит маблағлари билан бир қаторда кредит пуллари ҳам мамлакатда жами талабга таъсир қурсатади ва жами миллий маҳсулот сотилишини тезлаштиради.

Банклар томонидан кредит беришнинг умумий қоидалари давлат томонидан белгилаб берилади ва бу жароёни уз вақолатлари доирасида Марказий Банк амалга оширади. Муайян тармоқлар ва соҳаларнинг ривожланишини рағбатлантириш мақсадларида қарз олувчиларнинг турли гуруҳларига давлат қаролатлари ва имтиёзлари жорий этилади. Кредитдан мамлакат экспорт потенциалини юксалтириш, уй-жой қурилишини, капитал қурилмаларни рағбатлантириш, регионларни жадал ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Тижорат банкларининг кредитлари юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Қайтарилиш муддатларига қараб кредитлар қисқа муддатли (1 йилгача), урта муддатли (1 йилдан 5 йилгача) ва узок муддатли (5 йилдан ортиқ) кредитларга бўлинади. қисқа муддатли кредитлар одатда айланма капитал (айланма маблағлари) нинг ҳаракатланиши билан боғлиқ, узок муддатли кредит асосий капитал (асосий фондлар) ни такрор ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ мақсадларга йуналтирилади.

Таъминот шаклига қараб банк кредитлари қаровли, қаролатли ва сугурталанган кредитларга бўлинади. Таъминланиши талаб этилмасдан берилган кредитлар ишонч (бланк) кредити деб юритилади.

Банк кредити муддатлилиқ, қайтарувчанлиқ, таъминланганлиқ, мақсадлилиқ ва туловлилиқ қоидалари асосида берилади.

Муддатлилиқ - кредитга берилган маблағлар қайтарилишини таъминлашнинг зарурий воситасидир. қатъий белгиланган муддатда қайтарилмаган кредит пул муомаласига салбий таъсир қурсатади, чунки у муомалада товар таъминотига эга бўлмаган пул маҳвудлигини билдиради. Кредитга берилган пул маблағи банкка қайтиб келмаслиги сабабли, шу кредит ресурслардан бошқа хужалиқ

юритиш субъектлари махрум этиладилар. Тижорат банкининг ликвидлилиги гмонлашади. Булардан ташкари, карздорнинг узи ҳам банкдан янги кредит олиш имкониятидан махрум бўлади ва кечиктирилган кредит учун оширилган фоизлар тулашга мажбур бўлади. Бундан ташкари, барча хужалик юритувчи субъектлар томонидан банк кредитини шартномада курсатилган муддатларда қайтарилмаганлиги учун туланадиган фоиз суммаси соликка тортиладиган базага қайта қушилади ва фойда солигига тортилади. Бу эса уз навбатида унумсиз харажатларни ортишига ва фойда (даромад) нинг камайишига сабаб бўлади.

Тижорат банки кредит беришда мижозларнинг молиявий ахволи, балансининг ликвидлилиги, уз маблагларига эга эканлиги, хозирда ва келажакда рентабеллик даражаси ва кредитдан самарали фойдаланиши ва уни қайтариш имкониятларини характерловчи бошка сифатларига алохида эътиборни қаратиши лозим. Банк кредит беришда хар бир мижозга алохида гндошади.

Кредитнинг туловлилиги карздор банкка кредитдан фойдаланганлиги учун хак тулаши лозимлигини билдиради. Туланадиган хак кредит суммасига нисбатан фоизда белгиланади. Банк амалиготида йиллик (кредитдан бир йил фойдаланганлик учун фоиз даражаси) ёки ойлик (кредитдан бир ой фойдаланганлик учун фоиз даражаси) фоизлар қулланилади. Кредит учун фоиз даражаси уз мохиятига кура кредитнинг бахосидир. Бозор иктисодиёти шароитида карзга берилаётган маблаг узига хос товарга айланади. Бу товарнинг бошка товарлардан фарқи шундаки, унинг узи эмас, балки ундан фойдаланиш имконияти (хукуки) сотилади ва бунинг учун фоиз қуринишида хак туланади. Кредитнинг туловлилиги карз олувчиларни имкони борица уз маблагларидан самарали фойдаланишга мажбур қилади. Олинган фоиз воситасида банк уз маблагларидан самарали фойдаланишга мажбур қилади, шунингдек банк уз харажатларини қоплаш ва жалб этилган маблаг эгаларига фоиз тулаш имкониятига ҳам эга бўлади.

Кредитлаш жарағида банк билан карздорларнинг узаро муносабатлари қуйидагиларни уз ичига олади:

карз олувчининг уз маблагларини ҳам карз йуналтирилагтган хужалик тадбирларида иштирок этиши ва бу иштирокнинг таркиби ва даражасини аниқлаб олиш. Бозор иктисодиёти шароитида карз олувчи уз маблагларининг кредит йуналтирилагтган тадбирларда иштироки қатъий белгилаб қуйилган эмас. Бирок, банк мижозининг кредит қобилиятини аниқлаш орқали унинг уз маблаглари билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда кредит беради;

Кредитнинг аниқ мақсадларга берилиши. Кредит банк томонидан қорхонага аниқ мақсадларга ишлатиш учун берилади. Бу мақсадлар қорхона тақдим этадиган бизнес-режада уз ифодасини

топади. Банк кредитнинг мақсадли ишлатилишини текшириб боради. Бозор муносабатлари чуқурлашуви билан хужалик объектларини кредитлашдан хужалик субъектларини, уларнинг тулов оборотидаги узилишларни кредитлашга утиб борилади;

Кредитлаш усуллари. Бу кредитнинг берилиши ва кайтарилиши усуллари дир. Тижорат банкларида кредитлашнинг икки хил усули кулланилади. Биринчисида кредит муайян мақсадга ва муайян муддатга берилади (кредит линиясини очмасдан). Иккинчи усулда банк томонидан белгилаб куйилган лимитдан ортмаган ҳолда кредитлаш амалга оширилади. қарздорнинг эҳтижларига мувофиқ равишда муайян давр мобайнида унинг тулов ҳужжатлари банк томонидан кредит ҳисобидан талаб берилади (кредит линияси очиш).

Агар харид қилинган товарнинг ҳақини дарҳол тўлаш ёқиякин орада бошқа бирон бир ҳаражат қилиш зарур бўлсаю, лекин бунинг учун қорхонанинг ҳусусий капитали етмаса, бундай ҳолларда «қорхонада бир галлик қарз маблағларига эҳтиёж тўғилади» дейилади. Бу эҳтиёжни қондириш учун «кредит линияси очилмаган» ссуда ҳисобварагидан фойдаланилади.

Бундай ҳисобварақдан кредит бериш бир галлик ссуда бериш йули билан амалга оширилади. Бундай ссуданинг ҳар бири учун банк алоҳида қарор қабул қилади. Бу шуни билдирадики, агар қелгусида яъни кредит қарзи қоплангандан сўнг, яна кредит зарур бўлса, қорхона раҳбарияти банк талаб қилган ҳужжатларнинг янги тўпламини тўлик ишлаб чиқиши, ҳудди биринчи кредит олганидек музоқаралар олиб бориши ва барча ҳуқуқий расм-русумларини бажариши лозим. Бу эса, барча қарз олувчилар кредит олиш учун банк талаб қилган ҳужжатлар тўпламини янгидан қилиш учун қўшимча унумсиз ҳаражатларни қилиши зарурлигини аңлатади.

Шунинг учун, агар кредит ресурсларига эҳтиёж узок муддатли ва такрорланувчан эканлиги олдиндан таҳлил қилинса, «кредит линияси очик» кредит бериш тўғрисида шартнома тўзиш қўлайроқ эканлиги ва арзонга тўзиши аён бўлади. Кредит линияси - бу қорхона билан банк уртасида «белгиланган суммада қарзлар турқумини бериш» тўғрисида тўзиладиган қелишувдир. Кредит линиясини очишда банк томонидан кредитлаш лимити белгиланади. Шу лимит доирасида кредит беришда банк билан қўшимча музоқаралар олиб бориш талаб қилинмайди.

Ҳар қандай жамиятда кредитнинг заруриятини белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд. Умуман, товар ишлаб чиқариш мавжуд ижтимоий-иқтисодий формацияларда кредитнинг заруриятини белгиловчи асосий омил бўлиб товар ишлаб чиқариш ва пул муомаласининг мавжудлиги ҳисобланади.

Кредитнинг заруратини белгиловчи омилларга қуйидагиларни қиритишимиз мумкин:

- 1) фондларнинг айланиш хусусиятлари;
- 2) корхоналарнинг уз-узини молиялаштириш тамойилларида фаолият курсатиши.

Биринчи холда, халк хужалигида мавжуд корхона, ташкилотлар ишлаб чикариш фаолиятини юргизиш учун маълум миқдорда асосий ва айланма фондларини ташкил этилиши лозим. Корхоналарда ишлаб чикариш фаолиятини узлуксиз олиб борилиши катта миқдордаги айланма маблағни талаб қилади ва куп холларда бу маблағ корхона ихтиёрида булмайди. Чунки, ишлаб чикаришнинг бошланиши билан махсулотни сотиш жароёни бир вақтга мос келмайди, бундан ташкари ишлаб чикариш цикли хар хил тармоқларда хар хил кечади.

Кредитнинг заруратини белгилловчи иккинчи омил булиб, корхоналарнинг хужалик ҳисоби тамойилларида ишлаши ҳисобланади. Маълумки, хар бир корхона уз ишлаб чикариш фаолиятини уз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши ва молиялаштириши керак. Аммо, корхоналар бу максадлари учун зарур булган пул маблағларини етарли даражада керак булган муддатда ташкил эта олмасликлари мумкин. Шундай вақтда, улар уз эҳтиёжларини кредит орқали кондирадилар. Масалан, корхона ишлаб чикариш жарағини қайта жихозламокчи ёки такомиллаштирмокчи булса, унга катта миқдордаги пул маблағлари талаб қилинади. Бу жараёнларни амалга ошириш манбалари - амортизация ажратмалари ҳисобидан ёки акционерлик жамиятларида қушимча акция чикариб сотиш орқали амалга оширилса, у холда узок муддат кутиш керак булади. Бу вақтнинг узида режалаштирилган лойиха маънавий эскириши мумкин. Натижада мулжалланган максадга эришилмайди ва давр талабига жавоб берилмайди. Ана шундай шароитда корхоналарнинг хужалик ҳисоби принципларига риоя қилиб, иш олиб боришлари учун бу маблағлар билан таъминлаш механизми - кредитга зарурият тугилади.

Кредитнинг катор функциялари мавжуд булиб, улар орқали кредитнинг моҳияти тулик очиб берилади.

Кредит қуйидаги функцияларни бажаради:

- 1) буш пул маблағларини аккумуляция қилади (ссуда фондини ташкил қилади);
- 2) ссуда фондини таксимлайди (Бу функция куплаб иктисодий адабиётларда кредитни таксимлаш ва қайта таксимлаш функцияси сифатида берилади);
- 3) қушимча муомала ва тулов воситалари, яъни янги пул яратди.

Кредитнинг биринчи функцияси орқали жамиятда мавжуд буш пул маблағлари умумлаштиради ва ягона ссуда ресурслари фонди яратилади. Бу фонднинг яратилиши факатгина кредит орқали амалга

оширилиши мумкин. Чунки, у кайтариб бериш ва манфаатдорлик тамойилларига буйсунади.

Кредитнинг иккинчи функциясида йигилган пул маблаглари ссуда сифатида таксимланади ва тармоқларда қайта таксимланади. Бунда ҳам берилаётган ссудалар кредитнинг хусусиятларига тулик риоя қилган ҳолда муддатида қайтариб бериш шarti ва манфаатдорлик тамойилларини ифодалайди.

Кредитнинг узига хос булган функцияларидан бири бу қушимча тулов ва муомала воситалари яратиш функциясидир.

Кредит муносабатлари кредит операциялари орқали амалга оширилади. Бу жараёнда кредит пуллари яратилади. Муомала пуллари ҳам кредит операциялари орқали яратилади.

2. Банкларда кредит олувчиларни кредитга лаёқатли даражасини аниқлаш аудити.

Корхона банкдан кредит олиш учун кредит олиш тугрисида ариза билан мурожаат қилади. Аризада суралаётган кредит суммаси, таъминот сифатида таклиф қилинаётган мол-мулклар, кредитни қайтарилиш муддатлари курсатилган булади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Кредитдан қандай мақсадларда фойдаланилиши курсатилган бизнес - режа;

2. Хисоботлар. (Охири хисобот даври учун: бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тугрисидаги хисобот, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати ҳақидаги маълумот, пул оқимлари тугрисидаги хисобот).

Тақдим қилинган хисобот маълумотларини тугрилигига ишонч ҳосил қилиш учун хисобот маълумотлари Давлат Солик Инспекциясининг жойлардаги бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим қилиниши талаб қилинади. Бунга сабаб қарз олувчилар томонидан хисобот маълумотларини сунъий равишда узгартирилиши ва натижада, кредитга лаёқатлилиқ даражасини ҳато аниқланишини олдини олишдан иборат.

Хисоботда келтирилган маълумотларни тугрилигига тула ишоч ҳосил қилиш учун текширув факатгина хисобот маълумотларини текшириш билан яқунланмасдан, кредит олувчи корхонага бориб мавжуд ҳолатга тулалигича баҳо бериб текширув утказилиши мумкин. Бунда хисобот маълумотларининг тугрилиги бошлангич ҳужжатларга солиштириш йули билан аниқланади. Бу усулдан таваккалчилик даражаси юқори булган ҳолатларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ хисобланади. Яъни, қатта миқдорда кредит берилаётганда ёки синалмаган миқдорларга кредит берилаётганда.

Тақдим қилинган хисобот маълумотлари асосида банк кредит олувчи корхонанинг балансини урганиб, молиявий ҳолатини ҳар

томонлама тахлил килган холда кредитга лаёкатлилик даражасини аниклаши мумкин.

Биз буни куйидаги корхоналар баланси маълумотларини тахлил килиш оркали куриб чикамиз:

1-жадвал

**«Динора» маъсулияти чекланган жамияти баланси
активлари буйича тахлили**

(курсатилган йилларда 1-январь холатига, минг сумда)

Пул маблаглари				Тез пулга айланадиган маблаглар				Тез сотилувчи захиралар			
Бал анс кат ори	киймати			Бал анс кат ори	киймати			Бал анс кат ори	киймати		
	2002	2003	2004		2002	2003	2004		2002	2003	2004
170	194	106	112	200	-	-	1416	120	61335	41954	32109
180	-	-	-	220	2913	4887	9754	130	7035	8352	6412
190	-	1	1	230	-	5120	6856	140	6675	3784	586
210	-	-	-	240	-	14627	5207	150	590	363	2084
				250	26	34	-	160	5014	-	-
				260	-	-	-				
				270	1659	754	1673				
				290	195	-	201				
Жа ми	194	107	113		4793	25422	25107		80649	54453	41191

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, тахлил килинаётган корхонада 2002 йил 1-январь холатига пул маблаглари

194,0 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглар 4793,0 минг сумни ва тез сотилувчи захиралар 80649,0 минг сумни ташкил килган. 2003 йил 1-январда эса пул маблағлари 107,0 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглар 25422,0 минг сумни ва тез сотилувчи захиралар 54453,0 минг сумни ва 2004 йил 1-январ ҳолатига пул маблағлари 113,0 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглар 25107,0 минг сумни ва тез сотилувчи захиралар 41191,0 минг сумни ташкил килган.

Карз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги даражаси таҳлил қилинаётганда айланма маблағлари таркибида уз айланма маблағларининг улуши неча фоизни ташкил қилишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки айланма маблағлари таркибида уз айланма маблағларининг юкори булиши карз олувчининг мустиқил фаолият курсатиш имкониятининг юкорилигидан далолат беради. Айланма маблағлари карз маблағларидан ташкил топган булса, бу карзларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни коплаш манбалари таҳлил қилинади.

2-жадвал

**«Динора» маъсулияти чекланган жамияти балансининг
пассивлари буйича таҳлили**

(курсатилган йиллар буйича, минг сумда)

Баланс катори	Баланс каторлари номлари	қиймати		
		2002	2003	2004
430	қиска муддатли кредитлар	2391	9201	-
420	қиска муддатли карзлар	-	-	710
	Кредиторлар:			
450	Мол етқазиб берувчилар	11514	8573	8793
470	Меҳнатга ҳақ тулаш буйича карзлар	2696	2315	2091
510	Шуъба қорхоналарига карзлар	-	-	-
520	Уюшма қорхоналарига карзлар	-	-	-
500	Бюджетдан ташқари туловлар	1624	2381	361
460	Бюджет буйича карзлар	4116	8523	4541
530	Бошқа кредиторлар	5369	5705	3976
440	Харидор ва буюртмачилардан	3008	930	1845
480	Ижтимоий сугурта ва таъминот	11498	6460	5897
490	Мулкий ва шахсий сугурта буйича	-	-	-
Жами:	қиска муддатли мажбуриятлар	42216	44088	28214

Ушбу жадвалда «Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг 2002 йил, 2003 йил ва 2004 йил 1-январ ҳолатига киска муддатли мажбуриятлар миқдорлари акс эттирилган бўлиб, улар асосида ликвидлилик, коплаш ва мухторият коэффицентларининг ҳисобланишида фойдаланилган.

3-жадвал

**«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг
ликвидлилик коэффиценти**

Йиллар	Пул маб- лаглари	Тез пулга айланадига н маблаглар	киска муд- датли маж- буриятлар	Ликвидлилик коэффицент и
2002	194	4793	42216	0,12
2003	107	25422	44088	0,58
2004	113	25107	28214	0,89

$$\text{Клк} \frac{\text{ПМ} + \text{ТП} \text{ АМ}}{\text{КММ}} = \frac{194 + 4793}{42216} = 0,12$$

3 - жадвал ёрдамида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги даражасини белгилловчи курсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланувчи ва киска муддатли активлар билан киска муддатли мажбуриятларни коплай олиш имкониятини акс эттирувчи ликвидлилик коэффиценти ҳисоблаб чиқарилади. Биз таҳлил қилаётган жамиятида 2002 йил 1-январ ҳолатига пул маблаглари 194 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглари 4793 минг сумни, киска муддатли мажбуриятлари 42216 минг сумни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффиценти 0,12 га тенг бўлмоқда. 2003 йил 1-январ ҳолатига эса пул маблаглари 107 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглари 25422 минг сумни, киска муддатли мажбуриятлари 44088 минг сумни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффиценти 0,58 га тенг бўлмоқда. 2004 йил 1-январ ҳолатига пул маблаглари 113 минг сумни, тез пулга айланадиган маблаглари 25107 минг сумни, киска муддатли мажбуриятлари 28214 минг сумни ташкил қилган ҳолатда ликвидлилик коэффиценти 0,89 га тенг бўлмоқда. Бу **«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг** ликвидлилик қобилияти юқори эмаслигидан далолат беради.

4-жадвал

**«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг
коплаш коэффиценти**

Йил- лар	Пул маблаг- лари	Тез пулга айланадига н	Тез соти- лувчи захирала	киска муддатли қарз мажбури- ятлари	коплаш коэффици енти
-------------	---------------------	------------------------------	--------------------------------	---	----------------------------

		маблаглар	p		
2002	194	4793	80649	42216	2,03
2003	107	25422	54453	44088	1,81
2004	113	25107	41191	28214	2,35

$$K_{\text{кк}} \frac{\text{ПМ} + \text{ТП} + \text{АМ} + \text{ТСЗ}}{\text{КМ} + \text{М}} = \frac{194 + 4793 + 80649}{42216} = \frac{85636}{42216} = 2,03$$

Ликвидлилик коэффициентларини аниклаш учун фойдаланилган киска муддатли активлар каторига тез пул булувчи маблагларни ҳам кушиб, киска муддатли мажбуриятларга нисбатини аниклаш йули билан коплаш коэффициенти хисобланади (4-жадвалга қаранг). Таҳлил қилинаётган жамиятида тез сотилувчи захира қуп булганлиги учун коплаш коэффициенти юкори булмоқда.

5-жадвал

**«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг
мустакиллик (ёки мухторият) коэффициенти**

(фоиз хисобида)

Уз маблаглари				Жами баланс пассиви				Мустакиллик коэффициенти		
Ба лан с кат ори	Курсаткичлар			Бал анс кат ори	Курсаткичлар			Курсаткичлар		
	2002	2003	2004		2002	2003	2004	2002	2003	2004
320	76523	76523	76523	550	137944	141476	131042			
330	-	-	-							
340	-	-	-							

350	1699 1	1865 1	24174							
360	2214	2214	-							
370	-	-	-							
380	-	-	-							
Ж:	9572 8	9733 8	10069 7		13794 4	14147 6	13104 2	69,4	68,8	76,8

$$\text{Км к} \frac{\text{УМ}}{\text{ЖБ П}} * 100 = \frac{95728}{137944} * 100 = 69,4$$

Карз олувчининг уз маблаглари суммасини жами баланс пассивиغا нисбатини аниклаш йули билан мухторият коэффиценти хисоблаб чиқарилиши 5-жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан қуриниб турибдики тахлил қилинаётган корхонанинг 2002 йил 1-январ ҳолатига уз маблаглари миқдори 95728 минг сум, жами баланс пассиви 137944 минг сумни ташкил қилган ҳолатда мустикаллик коэффиценти 69,4% ни, 2002 йил 1-январ ҳолатига уз маблаглари миқдори 97338 минг сум, жами баланс пассиви 141476 минг сумни ташкил қилган ҳолатда мустикаллик коэффиценти 68,8% ни ва 2003 йил 1-январ ҳолатига уз маблаглари миқдори 100697 минг сум, жами баланс пассиви 131042 минг сумни ташкил қилган ҳолатда мустикаллик коэффиценти 76,8% ни ташкил қилмоқда. Бу тахлил қилинаётган **«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг** уз маблаглари миқдори юқорилигидан далолат беради. Мустикаллик коэффицентини аниклаш орқали корхонанинг ҳамкорларидан (бошка корхоналардан, банклардан ваҳоказо) булган карзларининг мвжудлиги ҳолатига баҳо берилади. Корхонанинг карз маблаглари юқори булиб бориши бу курсаткичининг камайиб боришига сабаб булади. Бу эса корхонанинг кредитга лаёқатлилиқ даражасини камайиб боришига сабаб булади.

Бундан ташқари банклар томонидан карз олувчиларга кредит маблаглари бошка банклардан ёки бошка корхоналардан булган карзларини коплаш учун берилмайди. карз олувчиларни бошка банклардан карзлари мавжудлиги аникланганда бу карзни келиб чиқиш сабаблари тахлил қилинади. Лекин карзни коплаш учун банқдан кредит ажратилмайди. Юқорида тахлил қилинаётган **«Динора» маъсулияти чекланган жамиятида** жамият маблагларининг ташкил топиш манбалари таркибида яъни жами баланс пассиви таркибида уз маблаглари улуши катта булганлиги учун мустикаллик коэффиценти юқори чиқмоқда.

6-жадвал

«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг уз айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоғи

Уз айланма маблагларининг мавжудлиги				Захира ва харажатлар				Узлик айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоги		
Ба лан с кат ори	Курсаткичлар			Ба лан с кат ори	Курсаткичлар			2002	2003	2004
	2002	2003	2004		2002	2003	2004			
110	52308	61494	64631	120	61335	41954	32109			
390	95728	97388	96593	130	7035	8352	6412			
400	-	-	183	140	6675	3784	586			
410	-	-	710	150	590	363	2084			
				160	5014	-	-			
Ж:	148036	158882	162117		80649	54453	41191	54,5	34,3	25,4

$$Кмзс \text{ к } \frac{ЗХ}{УАМ} * 100 = \frac{80649}{148036} * 100 = 54,5$$

Корхона захира ва харажатларини уз айланма маблагларига нисбатини аниклаш йули билан уз айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоги коэффиценти аникланади. Тахлил қилинаётган «Динора» маъсулияти чекланган жамиятида 2002 йил 1-январ ҳолатига уз айланма маблагларининг мавжудлиги 148036 минг сумни, захира ва харажатлар миқдори 80649 минг сумни ташкил қилган ҳолатда уз айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоги 54,5 % ни ташкил қилмоқда. 2003 йил 1-январ ҳолатига эса уз айланма маблагларининг мавжудлиги 158882 минг сумни, захира ва харажатлар миқдори 54453 минг сумни ташкил қилган ҳолатда уз айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоги 34,3 % ни ва 2004 йил 1-январ ҳолатига уз айланма маблагларининг мавжудлиги 162117 минг сумни, захира ва харажатлар миқдори 41191 минг сумни ташкил қилган ҳолатда уз айланма маблагларининг материал захираларида тутган салмоги 25,4 % ни ташкил қилмоқда.

7-жадвал

Корхоналарнинг молиявий курсаткичларини баҳолаш мезонлари.

	1-тоифа	2-тоифа	3-тоифа	4-тоифа
коплаш коэф- фициенти	2 дан ортик	$1 < K < 2$	$0.5 < K < 1$	$K < 0.5$
Ликвидлик коэффициент и	1,5 дан ортик	1 дан 1,5 гача	$K < 1$	Ликвидлик маблаг йук
Мустакиллик к-ти	80% дан ортик	$30\% < K < 80\%$	$K < 30\%$	Ликвидмас Баланс
Баллар	100-150	151-250	251-300	

Юқорида 7-жадвал шаклида келтирилган молиявий курсаткичлар мезонлари ёрдамида, молиявий курсаткичлар микдорлари аникланади.

8- жадвал

«Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг молиявий курсаткичлари микдорлари.

Курс ат- кичла р но- ми	Курсаткичлар микдори			Тоифаси			Рейтинги		
	2002	2003	2004	2002	2003	2004	2002	2003	2004
Кк	2,03	1,81	2,35	1	2	1	100	92	100
Кл	0,12	0,58	0,89	3	3	3	12	58	89
Км	69,4	68,8	76,8	2	2	2	69,4	68,8	76,8

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Динора» маъсулияти чекланган жамиятининг кредитга лаёқатлилиги 2002, 2003 ва 2004 йилларда 2 тоифага мансуб деб топилди.

Юқорида курсатиб утилганидек, кредит олувчи корхоналар банк томонидан тўрт тоифага бўлинади. Биринчи тоифага мансуб корхоналарга ҳеч қандай қўшимча ҳужжатсиз, кредит шартномаси тузиш орқали ишонч кредити берилиши мумкин.

Иккинчи ва учинчи тоифали корхоналар кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

1. Мулк гарови ёки кафолат хати.

2. Гаровга куйилган мулкнинг узига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжат.

3. Гаровга куйган мулкни сугурталанганлиги тугрисидаги ҳужжат.

Юқоридаги ҳужжатлар тақдим килингандан кейин миждоз билан банк уртасида гаров шартномаси тузилади. Гаров шартномаси нотариал идоралар томонидан тасдиқланиб, унда куйидаги шартлар келтирилади:

1. Гаровга куйилган мулк ва унинг эгасининг номи келтирилиб, мулк киймати келишилади.

2. Гаров муддати.

3. Гаровга куйилган мулкнинг каерда сақланиши.

4. Ундан гаровга куювчининг фойдаланиш имконияти.

5. Кредит кайтарилмай қолган тақдирда гаровга куйилган мулк сотилиши мумкинлиги.

3. Кредит операцияларининг расмийлаштирилиши ва ҳисобга олиниши аудити.

Гаров шартномаси тузилгандан кейин кредит олувчи ва банк уртасида кредит шартномаси тузилади ва кредит берилиши мумкин бўлади. Банк томонидан қарз олувчига кредит берилаётганда алоҳида кредит сўғти олчилиши (ҳисоб-китоб рақамидан ташқари), ҳисоб китоб рақамини тухтатган ҳолда кредит ҳисобрақасми очилиши ёки ҳисоб-китоб рақамидан кредит шартномасида қурсатилган миқдорда ортиқча маблағни сарфланишига руҳсат берилиши мумкин.

Банкларда берилган кредитларнинг синтетик ҳисоби куйидаги баланс сўётларида акс эттирилади:

11900	-	Марказий банка берилган қиска муддатли ссудалар
11901	-	Марказий банка берилган қиска муддатли ссудалар
12100	-	Бошқа банкларга берилган қиска муддатли ссудалар
12101	-	Бошқа банкларга берилган қиска муддатли ссудалар
12105	-	Бошқа банкларга берилган муддати утган ссудалар
12109	-	Бошқа банкларга берилган шартлари қайта қуриб чиқилган қиска муддатли ссудалар
12199	-	Бошқа банкларга берилган қиска муддатли ссудалар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси (контр-актив)
12300	-	Ҳукуматга берилган қиска муддатли ссудалар
12301	-	Ҳукуматга берилган қиска муддатли ссудалар
12305	-	Ҳукуматга берилган муддати утган ссудалар
12309	-	Ҳукуматга берилган шартлари қайта қуриб чиқилган қиска муддатли ссудалар
12399	-	Ҳукуматга берилган қиска муддатли ссудалар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси

		(контр-актив)
12500	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар
12501	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар
12505	-	Жисмоний шахсларга берилган муддати утган ссудалар
12509	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12599	-	Жисмоний шахсларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12600	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар
12601	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар
12605	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган муддати утган ссудалар
12609	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12699	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12700	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
12701	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
12705	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган муддати утган ссудалар
12709	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12799	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
12900	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар
12901	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар
12905	-	Кушма корхоналарга берилган муддати утган ссудалар
12909	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
12999	-	Кушма корхоналарга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13000	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар

13001	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар
13005	-	Жамоат ташкилотларига берилган утган ссудалар
13009	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13099	-	Жамоат ташкилотларига берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13100	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар
13101	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар
13105	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган муддати утган ссудалар
13109	-	Хусусий корхоналар , ширкатлар ва корпорацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13199	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13200	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар
13201	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар
13205	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган муддати утган ссудалар
13209	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари кайта куриб чикилган киска муддатли ссудалар
13299	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган киска муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13300	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар
13301	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар
13305	-	Бошка банкларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
13399	-	Бошка банкларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13500	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар
13501	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар
13505	-	Хукуматга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта

		муддатл ссудалар
13599	-	Хукуматга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13700	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар
13701	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар
13705	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилагн урта муддатли ссудалар
13799	-	Жисмоний шахсларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13800	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар
13801	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар
13805	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
13899	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
13900	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
13901	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
13905	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилагн урта муддатли ссудалар
13999	-	Давлат корхона ва ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14000	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
14001	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар
14005	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14099	-	Жамоат ташкилотларига берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14100	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар
14101	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар
14105	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб

		чикилган урта муддатли ссудалар
14199	-	Кушма корхоналарга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14300	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган урта муддатли ссудалар
14301	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган урта муддатли ссудалар
14305	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14399	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14400	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар
14401	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар
14405	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган шартлари кайта куриб чикилган урта муддатли ссудалар
14499	-	Банк булмаган молиявий муассасаларга берилган урта муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14500	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли ссудалар
14501	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли ссудалар
14505	-	Бошка банкларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли судалар
14599	-	Бошка банкларга берилган узок муддатли судалар буйича курилиши мумкун булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
14700	-	Хукуматга берилган узок муддатли ссудалр
14701	-	Хукуматга берилган узок муддатли ссудалр
14705	-	Хукуматга берилаг шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
14799	-	Хукуматга берилган узок маддатли ссудалар буйича курилиши мумкун булган зарарларни коплаш захираси (котр-актив)
14900	-	Жисмоний шахларга берилган узок маддатли судалар
14901	-	Жисмоний шахларга берилган узок маддатли судалар
14905	-	Жисмоний шахсларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
14999	-	Жисмоний шахсларга берилган узок муддатли ссудалар

		буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15000	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар
15001	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар
15005	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15099	-	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15100	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган узок муддатли ссудалар
15101	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган узок муддатли ссудалар
15105	-	Давлат корхонаси ва ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15199	-	Давлат корхоналари ва ташкилотларига берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15200	-	Жамоат ташкилотларигаа берилган узок муддатли ссудалар
15201	-	Жамоат ташкилотларига берилган узок муддатли ссудалар
15205	-	Жамоат ташкилотларига берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15299	-	Жамоат ташкилотларига берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15300	-	Кушма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар
15301	-	Кушма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар
15305	-	Кушма корхоналарга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли ссудалар
15399	-	Кушма корхоналарга берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)
15500	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар
15501	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар
15505	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпарацияларга берилган шартлари кайта куриб чикилган узок муддатли

		ссудалар
15599	-	Хусусий корхоналар, ширкатлар ва корпорацияларга берилган узок муддатли ссудалар буйича курилиши мумкин булган зарарларни коплаш захираси (контр-актив)

Кредит берилганда кимга ва кайси муддатга берилаётганлигига караб юкоридаги кредит сётларидан бири дебетлариб 10301-«Банкнинг вакиллик хисовараг»и кредитланади.

Берилган кредитларнинг аналитик хисоби хар бир кредит олувчи учун очилган 20 та ракамдан иборат кредит хисобракамлари оркали юритилади.

4. Кредит фоизларини ундиришини хисобга олинишини тугрилигини текшириш.

Банк кредитидан фойдаланган вақт учун туланадиган фоиз кредит нархи хисобланади. Кредит нархи Марказий банк кайта молиялаш ставкаси меъёри билан тартибга солинади ва махсулот ҳамда хизматлар таннархи даражасини хисобга олиб белгиланадиган энг юкори курсаткичдан ошиб кетмаслиги керак.

Марказий Банкнинг кайта молиялаш ставкаси 2000 йил июлидан буён йиллик 24 фоиз миқдориди сақланиб турибди.

2001 йилнинг 1 апрел ҳолатига кура, тижорат банклари томонидан республика иктисодиётига йуналтирилган умумий кредит қуйилмалари қолдиги йил бошига нисбатан 7,8 фоизга усган. Урта ва узок муддатли кредитларнинг жами кредит қуйилмаларидаги салмоги йил бошига нисбатан 1,7 фоиз пунктга қупайиб, 1-чорак охирида 74 фоизини ташкил қилди.

Халқ хужалигини ривожлантиришга йуналтирилган кредитларнинг энг катта қисми (жами кредитларнинг 47,3 фоизи) саноатга йуналтирилган. қишлоқ хужалигида бу курсаткич - 4,4 фоизни, моддий-техника таъминотида - 9,0 фоизни, транспорт ва коммуникация соҳасида - 13,7 фоизни, қурилишда - 3,4 фоизни, савдо ва умумий овқатланишда - 4,6 фоизни, уй-жой хизматлари соҳасида - 0,1 фоизни, бошқа соҳаларда-17,5 фоизни ташкил этди.

Амалдаги кайта молиялаш ставкаси ойига 2 фоизни ташкил этади. Марказий банк муддатли қарзлар буйича тижорат банкларига бу ставкани қупи билан 1,5 баробар оширилишига рухсат этади. Шундай қилиб тижорат банки уз ресурсларини ойига 2 % дан 3 % гача ёки йилига 36 % гача ҳақ тулаш шарти билан сотиши мумкин.

Ресурслар қайтарилишини 30 қунгача кечиккан ҳолларда фоиз ставкаси белгиланганидан 1,3 баробар қупаяди, яъни амалдаги ставка $3\% \times 1,3\% = 3,9\%$ Ёки йилига 46,8 % ни ташкил этади. Ресурслар

кайтарилиши 30 кундан ортик муддатга кечиккан холларда фоиз
ставкаси 1,5 ярим баробар ошади, яъни амалдаги ставка ойига 3 % *
1,5% к 4,5 % ни ёки йилига 54 % ташкил этади.

Муддати утган кредит учун фоизлар 90 кунгача ҳисобланади. Шу вақт ичида қарз қайтарилмаса, фоиз ҳисоблаш тўхтатилади.

Муддати утган фоизлар буйича қарз қолдиги кредит шартномасида қўзда тутилган тартибда тулов талабномаси ёки мемориал ордер билан расмийлаштирилиб, №2-сонли картотекага қўйилади, ҳамда календарь навбатидаги тартибда сундириб борилади. Бунда дастлаб ҳисобланган фоизлар буйича қарзлар ва шундан кейин асосий қарз қопланади.

«Банклар ва банк фаолияти тугрисида» ги конун²нинг 28-моддасига кура тижорат банклари миждозлар билан шартнома буйича фойзлар миждорини мустанкил белгилаш хукукига эгадирлар. Яъни, карз олувчилар банклардан кредит олишдан олдин узаро кредит шартномасини тузадилар ва кредитдан фойдалангани учун туланадиган фойз шу шартномага асосан томонларнинг келишуви билан белгиланади.

4. Банкларда кредит олувчиларни урганиш

Кредит ажратилишини сураб такдим этилган ариза банк муассасасида бир неча боскичда куриб чикилади. Бу боскичлар куйидаги кетма-кетликда булиши мумкин:

1-боскич.- кредит аризасини куриб чикиш ва карз олувчи билан сүхбат.

2-боскич.- кредитни кайтариш кобилиятини урганиш ва таваккалчиликни ссуда жихатидан баҳолаш.

3-боскич.- кредит шартномасини тайёрлаш ва изохлаш.

4-боскич.- шартнома шартларининг бажарилиши ва кредит кайтарилиши устидан назорат.

Хар бир боскичда иш тартиби куйидагича:

1-боскичда: -мижоз банкка кредит олиш учун мурожаат этади, талаб килинаётган кредит хакидаги маълумотлар (кредит олишдан мақсад, кредит хажми, кредитнинг куриниши ва муддати, таклиф килинаётган таъминот) курсатилган кредит аризаси берилади. Кредит бериш хакидаги аризага тегишли бухгалтерия хисоботлари ва бизнес-режа илова килиниши талаб килинади.

Бизнес-режа куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- Бозорга таклиф килинадиган махсулот ва хизматларни тавсифлаш (патентлар ва лицензиялар билан биргаликда);
- Соха ва бозор хақидаги маълумот (турдош махсулот таклиф этадиган бошқа корхоналар хақидаги, бозор хақидаги маълумот, ракобатчиларнинг ютуқлари ва камчиликлари, мазкур соҳанинг давлат томонидан бошқарилиши);

² Уҗааеёнòí Đаңиоаеёеаӈе Кíиоíе, 1996 ёеё 25 аìďаёü.

- Маркетинг режалари (максадлар, реклама, бозорда махсулот ҳаракати бўйича компания баҳоси);
- Ишлаб чиқариш режаси (ишлаб чиқариш қувватига, иш кучига эҳтиёж, мавжуд қурилмалар ва хоказолар);
- Менежмент режаси (корхона тузилиши, бошқарув органлари, маслаҳатчилар ва хоказолар);
- Молия режаси (корхонанинг операцион ва инвестицион бюджети ҳақида маълумот, 2-5 йилга олдиндан баланс).

Кредит аризаси банкнинг кредит ходимларидан бирига топширилади. Ходим аризани қуриб чиққач, бўлажак қарз олувчи - корхона вакили билан суҳбатлашади. Бу суҳбат берилаётган кредит ҳақидаги савол ечимида катта аҳамиятга эга, чунки у нафакат кредит аризасини муҳим томонларини аниқлаб олишга, балки қарз олувчининг психологик портретини тузиб олиш, корхона бошқарувчиларининг махсус тайёргарлигини, уларнинг вазиятни қандай баҳолаётганликларини, корхона ривожланиш имкониятларини аниқлаб олишига имкон беради.

Суҳбат давомида кредит бўлими ходими уз эътиборини банкни энг қўқизтирадиган саволларга қаратиши лозим. Саволларни 4-5 гуруҳга бўлиб олиш тавсия этилади. Бу гуруҳлар бўйича саволлар намуналари ишлаб чиқилган. Савол ва жавобларни қарз олувчининг анкетаси сифатида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Анкетанинг намунавий шакли 6-иловада келтирилган.

Кредит аризасини урганиши давомида кредит бўлими ходими корхонага бориши ва у ерда текширув ўтказиши (бошқарувчи шахслар билан суҳбатлашиши) мумкин. Молия, операцион ва маркетинг хизмати бошқарувчилари ҳамда маъмурий ходимларнинг билимини аниқлаш жуда муҳим. Корхонага ташриф вақтида суҳбат давомида қуриб ўтилмаган қўғина саволларни аниқлаш, шунингдек, корхона мўлки бинолари ва қурилмалари ҳолатини, ишчиларнинг одатлари ва ҳўлкини билиб олиш мумкин.

Иккинчи босқич: Миқознинг кредит қўбилиятини урганиш энг муҳим босқич, чунки бу босқичда кредит таваққалчилигини (хавф-хатарини) минималлаштириш мумкин.

Қарз олувчининг кредит қўбилияти ҳақидаги асосий ахборот манбаси-унинг бухгалтерия ҳисоботларидир. Ҳисоботларни баҳолаш натижасида қарз олувчи ҳақида қўидаги маълумотлар аниқланади:

- Корхонанинг ликвидлилик даражаси;
- Иқтисодий мўстақиллиги;
- Молиявий барқарорлиги;
- Қўйдалилиги (рентабеллиги);
- Қўл оқимининг келажақдаги имкониятлари.

Юкоридагиларни биринчи турттаси молиявий коэффициентлар билан тавсифланади.

Пул маблаглари таркибига банкдаги хисоб-китоб ва бошка счётларидаги колдик пуллар ва кассадаги нақд пул киради.

Юкоридаги хисоб-китобни килиб булгач, молиявий коэффициентларга баҳо бериш керак. Кейин хисобот курсаткичлари асосида мижознинг асосий пул оқимини таҳлил қилиш керак. У жорий вақтдаги маблағларнинг келиши ва кетиши асосида тузилади.

Маблағларнинг келиб тушиш манбалари қуйидагича:

- Фойда;
- Хисобланган амортизация;
- Захира, дебиторлик қарзи ва асосий фондлардан маблағ олиш;
- Кредиторлик қарзи;
- Бошки пассивлардан маблағ олиш ва бошка активларни усиши;
- Оборотга янги кредитлар жалб этиш;
- Акционерлик капитални;

Маблағларнинг кетиш элементлари қуйидагилар:

- Захираларга, асосий фондларга қўшимча маблағлар қуйиш;
- Дебиторлик қарзининг усиши;
- Кредиторлик қарзи ва бошка пассивларни камайиши;
- Акционерлик капиталини камайитириш;
- Солиқ, фойиз ва дивидендларни тулаш.

Берилган вақт давомида пулнинг келиб тушиши кетишидан қўл булса, бу мижоз кредитга лаёқатли эканлигидан далолат беради. Агар аксинча булса кредитни қайтарилмаслик ҳатари ошади.

Пул оқими таҳлили янги кредитлар бериш чегарасини ҳам курсатади. Бундай чегара бўлиб олдинги вақтда булган ёки янги даврга эҳтимол қилинаётган маблағ келиб тушишининг кетишидан қўплиги ҳажми хизмат қилиши мумкин.

Шундай қилиб, пул оқими таҳлили мижознинг кредитга лаёқатлилиги ҳақидаги ҳулосани молиявий коэффициентлар асосида сезиларли даражада тулдиради.

Учинчи босқич - Кредит шартномасини тузишга тайёргарлик.

Ижобий натижалар олинган ҳолда банк кредит шартномасини ишлаб чиқишга киришади.

Кредит бўлими ходими мижозга бўлажак кредит шартлари бўйича таклифни курсатиши керак. Булар фойиз ставкаси, кредитни очиш, таъминлаш бўйича комиссия ҳулосаси ва ҳ.к. Унинг таклифи мижоз аризасидан анча фарқ қилиши мумкин. Музокаралар давомида томонлар келишиб оладилар. Ҳатоликлар эҳтимолларини камайитириш ва мулоҳазаларнинг объективлигини таъминлаш мақсадида банк одатда кредит шартномалари тузиш бўйича алоҳида жавобгар

шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чегарасини белгилайди. Бу лимит кредит суммаси ва бошқа курсаткичларга боғлиқ (муддат, кредит тури ва хоказо). Купгина банкларда кредит ходими факатгина кредит шартномаларини ишлаб чиқади ва материалларни тайёрлайди, тасдиқлаш ҳуқуқи эса кредит комиссиясига тегишли. У банк бошқаруви раиси ва тажрибали банк бошқаруви ходимларидан ташкил топади.

Кредит шартномасининг асосий шартлари буйича келишувга келингандан кейин кредит булими ходими кредит шартларини жамловчи ҳужжат тайёрлайди. Бу ҳужжат кредит шартномаси номи билан юритилади: у кредит комиссиясига тасдиқлаш учун берилади. Комиссия мажлисида банк ходими шартнома фойдасига маълумотлар келтиради, унинг кучли ва буш томонларини курсатади.

Кредит комиссиянинг ижобий қарори кредит булими ходимига ҳуқуқшунос билан биргаликда кредит шартномаси тузиш ҳуқуқини беради.

Кредит шартномаси икки томонлама имзоланадиган ва кредитнинг барча шартлари қайд этилган ҳужжатдир. Кредит шартномасининг асосий булимлари қуйидагилардан иборат:

- Кредит тавсифномаси;
- Гувоҳликлар ва қафолатлар;
- чегараланган шартлар;
- ман этувчи шартлар;
- шартнома шартлари бузилиши ҳамда қуриладиган қоралар.

Бу булимларнинг ҳар бирида қуйидаги шартлар акс эттирилиш лозим.

Кредит тавсифномаси булимида кредит шартлари батафсил баён қилинади, булар: кредит тури, суммаси, фоиз ставкаси, кредитни таъминлаш шакли, кредитни қайтариш тартиби.

«Гувоҳликлар ва қафолатлар» булими мижоз қуйидагиларга эгаллигини тасдиқлайди:

- кредит битимларини тузиш ва қарз мажбуриятларининг имзолашга ҳақ-ҳуқуқлари;
- Солиқ буйича қарзлари йўқлиги;
- Банкка маълум бўлганларидан ташқари қаровда активлари йўқлиги;
- Охириги ҳисоботда ўз молиявий ҳолатини тулик қурсатганлиги;
- Аввал тузилган кредит битимларини бузмаганлиги.

«Чегараловчи шартлар» булимида қарз олувчи кредит амал қилиши муддатларида бўйсиниши лозим бўлган қоидалари ёзилади:

- Айланма капиталнинг аниқ даражасини ўшлаб туриши;
- Акционерлик капиталининг аниқ даражасини ўшлаб туриш;
- Молиявий, бухгалтерия ҳисоботларини етказиб туриш;
- Бахтсиз ҳодисалар, ёнгинлар ва ҳоказолардан қеракли сугуртани таъминлаш;

- Банк ходимларига корхонанинг бухгалтерия хисоб-китобларини текшириш имкониятини таъминлаш (хисоботларда курсатилган маълумотлар билан бир хиллигини текшириш мақсадида);
- Банкка корхонага қарши олиб борилаётган ёки энди белгиланаётган суд жароёни ҳақида хабар бериш.

«Ман этувчи шартлар» бўлимида қарз олувчи қилиши мумкин бўлмаган ҳаракатлар қурсатилади:

- активларни сотмаслик ва гаровга қўймаслик (Қорхона барқарор ишлашига зарур бўлган ҳоллардан ташқари);
- акциялар ва облигациялар сотиб олмаслик;
- ходимларга мукофотларни ва акционерларга дивидендларни белгиланган энг юқори чегарасидан юқори туламаслик;
- қорхоналар қарзларига қаролат бермаслик;
- маъмуриятда қорхона сиёсатига таъсир этадиган ўзгаришларни амалга оширмаслик.

«Шартнома шартлари бузилиши ва қоралар» бўлимида қуйидагилар санаб ўтилади.

- қарзнинг қолган суммаси ва у бўйича фоизларни ҳозирок туланишини талаб қилиш;
- қўшимча таъминот ёки қаролатлар талаб қилиш;
- банкнинг қарз олувчининг жорий хисоб-китоб счётида мавжуд маблағлар хисобига қарзнинг қолган қисмини тулдириш ҳуқуқи.

Қредит шартномасини қарз олувчи қорхона раҳбари ва банк бошқарувчилари имзолайдилар.

Туртинчи босқич: - Қредит шартномаси шартлари бажарилиши, қредитларнинг мақсадли ишлатилиши ва ўз вақтида қайтарилиши ўстидан назорат.

Бундай назоратнинг асосий мақсади-давомий тарзда навбатдаги қарз бўйича фоизлар туланишини таъминлаш.

Қредитларнинг қайтарилиши билан боглик қийинчиликлар тасодифан ва бирданига қелиб қикмайди. Тажрибали банк ходими бундай қийинчиликларни уларнинг бошланишидаёқ аниқлаб олиши мумкин ва у муаммони ҳал қилишни ҳамда банкнинг фойдаси ўчун қоралар қуриши мумкин.

Бу қораларни вазият издан қикқунча амалга ошириш қерак. Шўни ҳам инобатга олиш қеракки, банкнинг зарарлари қарзнинг қайтарилмаслиги ва фоизлар туланмаслиги билангина қекланиб қолмайди. Банкка қелтирилган зарар анча қуп ва у бошқа шароитлар билан ҳам боглик бўлиши мумкин. Бу зарарлар;

- Банкнинг обрўси тушиб қетади, қунки муддати ўтиб қетган қредитлар банкнинг мавжуд имиджини (нуфузини) саклаш ўчун қредит бўлимидан алоҳида эътибор ва қуп вақт талаб қилади;

- Операцияларнинг фойдалилиги пасайиши шароитида малакали кадрларни ишдан кетиши хавфи кучаяди.

Бу йукотишларнинг хаммаси банкка кимматга тушиши ва кайтарилмаган карздан келадиган зарардан куп миқдорни ташкил этиши мумкин.

Кредит фаолияти даврида, юкорида айтилганидек, карз олувчи банкка бухгалтерия балансини, молиявий натижалар хакидаги хисоботни, нақд пул окими хакидаги хисоботни ва бошка хисоботларни топшириб туриши керак. Уларни тахлил килиб бориш ва утган давр хисоботлари билан солиштириб бориш кредитнинг уз вактида кайтиш - кайтмаслигини курсатиб бериш мумкин.

Банк куйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Балансларнинг белгиланган муддатларда топширилмаслиги (корхонада хисоб китоб ишлари издан чикканлиги хакида сигнал);

- Дебиторлик карзини тез суръатларда усиши (таркибини тахлил килиш, пайдо булиш ваки ва унинг усиши сабабларини аниклаш);

- киска муддатли кредиторлик карзининг номутаносиб усиши;
- Ликвидлик коэффицентининг пасайиши;
- Активлар суммасида асосий капитал улушининг усиши;
- Сотув хажмининг пасайиши (бозор кандай урганилган ва хоказо);
- Муддати утиб кетган карзларнинг усиши;
- Операцион фаолиятдан келадиган зарарларнинг пайдо булиши ва хоказо.

Бухгалтерия хисоботларида молиявий камчиликлар аниклангандан сунг, банк ходими албатта корхонага ташриф буюришни (мижоз офисига) ташкил этиш керак. Кредитдан унумли фойдаланиш жойларда, корхона ва ташкилотларда, коида буйича, хар чорақда текширилиши керак. Бу корхона фаолият сохаси хусусиятларига ва характериға (олди-сотди, ишлаб чикариш фаолияти, фермер хужалиги) боглик.

1) Олди-сотди фаолияти билан шугулланувчи ташкилотларга ташриф вакида куйидаги саволлар текширилади ва аникланади:

а) ташкилот офиси, савдо, омбор бинолари, савдо тармоги мавжудлиги (канча омбор, магазин бор ва хоказо);

б) бухгалтерия хисоби тугри олиб бориладими (омбор хисоб-китоб карточкалари, аналитик ва синтетик бухгалтерия хисоби хужжатлари мавжудлигини текшириш);

в) аник бир кредит шартномаси буйича кандай махсулот (ассортимент), канча суммага сотиб олинган, берилган кредитнинг хамма суммаси мақсадли ишлатилаётганлиги. Молни етказиб бериш ваки, унинг омбордаги ёки тугридан-тугри магазиндаги хисоби;

г) махсулот каерда ва кандай сакланаяпти? (банк томонидан кредитланган махсулотнинг бутлиги таъминланганлиги);

д) махсулот сотиш кандай ташкил килинган? (Улгуржи ёки чакана, якка холда сотувчи тармок) ;

е) махсулот етказиб берилган вақтдан бери канча махсулот сотилган (берилган кредит буйича), текширув даврига келиб махсулот қолдиги канча (бу саволга жавоб етказиб берилган махсулотнинг рақобатбардошлилиги ва айланишини аниқлашга имкон беради);

ж) махсулот сотишдан тушган пул банкдаги ҳисоб китоб рақамига қуйилганми, пул ҳисоб рақамига қачон келиб тушган. Бу саволга жавоб сотишдан келган фойданинг қамайиш сабабини аниқлашга, кредит муддатини тезлатишга имкон беради.

2. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи ташкилотлар буйича текширув қуйидаги йуналишларда амалга оширилади:

а) корхонанинг бизнес-режаси (ишлаб чиқариш-молиялаш режаси) ёки қирим қикимлар ҳақидаги маълумотлар мавжудлиги аниқланади (корхонанинг мулкчилик шаклига боғлиқ холда);

б) банк ходимлари кредит олган мижоз кандай ишлаб чиқариш билан шугулланаётганлигини, кандай тайёр махсулот ишлаб чиқараяпти, ишлаб чиқариш кредит олинаётгандаги мақсадга қура олиб борилаяптими? шуларни аниқлайдилар;

в) ишлаб чиқариладиган махсулотнинг технологик жароёни билан албатта танишади (ишлаб чиқариш бошлиғи, бош муҳандис ёки бош технолог билан биргаликда махсулотнинг ишлаб чиқарилишини: хом ашё етказилганидан бошлаб, уни цехларга махсулот ишлаб чиқариш учун берилишидан тортиб токи тайёр махсулотнинг яратилиши ва уни оморга топширилишига қадар ҳаммасини қузатади). Бундай қузатиш ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги қамчиликларни юзага чиқаришга имкон беради;

г) бухгалтерия маълумотлари буйича қурилмалар ишлатилиши вақтини аниқлаш қерак. Бундай текширув банк маблағининг ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасига қалб этиш қераклигини аниқлашга ёки технологик жароёнга лизинг кредитини тавсия этишга имкон беради;

д) ишлаб чиқарилаётган махсулот тури, сифати ва рақобат бардошлилиги аниқланади. Бунинг учун омор ҳисоби буйича тайёр махсулотнинг оморга қелиш ва омордан қетиш вақти, тайёр махсулотнинг оморда сакланиш вақти, махсулотнинг сотилмай қолаётганлигининг сабаби, ташкилот томонидан тайёр махсулотнинг сотиш учун қурилаётган қоралар аниқланади;

е) кредит олиш учун қаровга берилган буюм-моддий бойликларнинг бутлиги текширилади;

з) кредитнинг фойдалилиги қуйидаги 2 қурсатқич буйича ҳисобланади:

- Кредитнинг 1 сумига тугри келадиган ишлаб чиқариладиган қўшимча маҳсулот ёки кредитнинг 1 сумига тугри келадиган ишлаб чиқарилган буюмни сотишдан олинган тушум;

- Маҳсулотни сотишдан олинган фойданинг олинган кредит суммасига нисбати.

Фермер ҳужаликларига берилган кредитнинг фойдалилиги ва мақсадли ишлатилиши қуйидагича аниқланади:

а) техник-иқтисодий асос аниқланади. Унда қуйидагилар қўрилиши керак:

- Фермер қандай маҳсулот етиштириш билан шугулланади;
- Маҳсулот етиштиришга кетган харажатлари қанча;
- Бу маҳсулот қимга (сотув бозори қандай) ва қандай (мустиқил ёки даллол орқали) сотилиши;

- Бу маҳсулотнинг сотиш нархи, фермер ҳужалигида қандай миқдорда фойда қўтилган.

б) албатта фермер ҳужалигининг режаси билан танишиб чиқиб, кейин ҳужаликнинг алоҳида объектларини қўришдаги, алоҳида цехлардаги ишлаб чиқаришнинг кетма-кетлигини аниқлаш керак;

в) фермер ҳужалигидаги кредитнинг фойдалилигини ҳар бир тугатилган алоҳида ишлаб чиқариш бўйича ҳисоблаш керак.

Фойдалилик қўрсаткичлари ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланувчи қўрхоналардагидек аниқланади.

Текширув натижалари бўйича банк ходими далолатнома тузади, унда ҳамма саволларга жавоб ёзилади.

Далолатнома банк ходими ва текширилган ташкилот раҳбарлари томонидан имзоланади (албатта банк имзо намуналари бўлган ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер томонидан).

Далолатнома имзолангандан кейин банк ходими ёзма натижа тузади, унда бу қамчиликларни тузатиш бўйича уз тақлифларини қўрсатади. Текширув далолатномаси ва ёзма иқтисодий натижа (ҳисобот) банк бошқарувига қўриб чиқиш ва қарор чиқариш учун берилади.

Текширувдан кейин энг яхши вариант-қарз оловчи билан биргаликда қўрхона фаолиятининг барқарорлиги, тиклаш ва қўлиявий қўрсаткичларни тузатиш учун қўралар қўриш режасини тузиш бўлади.

Агар бу қаракатлар мақсадга олиб келмаса, банк уз фойдасини таъминлаш керак. У қарз оловчидан туловни талаб қилиши, таъминотни (қаровга қўйилган мулкни) сотилишини талаб қилиши керак. Охириги вариант-қарз туламаётган шахсни банкрот деб эълон қилиш, лекин бу иққала томон учун ҳам таъсия этилмайди.

Қайтарилиши муаммоли кредитнинг аниқлашда биринчи қадам-ҳолис бўлган вазиятни текширувдан утқазгандан кейин қарз оловчининг ҳолатини аниқлаб олиш (у вазиятни тугриламақчи, унга ишониш мумкинми, бошқарув фойдалиликни тиклай оладими) керак.

Бундан ташкари, банкнинг ҳолатини ҳам ҳисобга олиш, унинг умидсиз қарзлари миқдорини билиш керак. Агар қуп бўлса, қиммат турадиган судга ошириш операциясини бошлаш керак эмас, қарзнинг бир қисмидан кечиб ишни тинч келишув билан ҳал этишни таклиф қилиш керак.

Агар миждоз бунга рози бўлса, вазиятни қуйидагича қоралар билан тузатиш мумкин:

- активларни сотиш;
- қушимча чиқимларни қамайтириш;
- маркетинг усулини ўзгартириш;
- бошқарув органини ўзгартириш ва юқори лавозимларга бошқа шахсларни тайинлаш.

Бошқа қарор банкка кредитнинг таъминоти сифатида қаровга қуйилган мулкни сотишдан иборат. Бунинг учун аввало ҳужжатларни текшириш (қаров шартномасини) ва банк ҳақиқатдан ҳам қаровни тугридан-тугри сотиш ҳуқуқига эгами, йўқми аниқлаш керак. Кейин қаровни сотиш имкониятлари қандайлигини аниқлаш керак. Одатда бу қиммат турадиган ва қуп вақт оладиган иш. Шунинг учун, қаровни сотишда қарз олувчи билан ҳамқорликни таъминлаш муҳим. Айтиш керакки, кредит олган миждознинг фойдасиз ишидан ташкари кредит қайтарилишидаги қийинчиликлар, банк ходимлари кредит аризасини қуриб чиқаётгандаги, кредит шартномаси шартларини ишлаб чиқишдаги ва кейинги назоратдаги ҳатоликлардан қелиб қиқиши мумкин.

Қуйидаги ҳатоликлар тез-тез учраб туради:

- қарз олувчига қарагича қатъий муносабатда бўлмаслик (масалан, кредит аризасини дустлик ёки қариндошлик муносабатларига боғлиқ ҳолда қўллаб-қувватлаш);
- Яхши ўтқазилмаган молиявий таҳлил;
- Кредит бўлими ходимининг қорхона эҳтиёжлари, соҳа мутахасиси билан етарлича танишмаслиги натижасида кредитни ёмон структуралаш (тузиш);
- Кредитнинг етарлича таъминланмаслиги (масалан, қаровни ўз баҳосидан ортиқча баҳолаш ва ҳ.к.);
- Кредитни ҳужжатларда расмийлаштиришдаги ҳатолар (масалан, кредит шартномасида банк фойдасини таъминловчи муҳим шартларнинг белгиланмаслиги);
- Кредитни қайтариш вақтида қарз олувчи ўстидан ёмон назорат олиб бориш (миждозни жойларда текширмаслик ва ҳ.к.).

Шунинг учун банк муассасаларида кредит бериш жароёнини мавжуд қоидаларида қўрсатилганидек тугри ташкил этилиши жуда муҳим.

Кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслиги ҳар икки томонга ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Шундай экан, банк

кредитларидан самарали фойдаланиш имконияти кредит бериш жароёнини тугри ташкил килинишига ҳам боғлиқ. Чунки, юқорида айтиб утганимиздек, банкдан олинган кредит, кредит олишдан олдин тузилган бизнес режага асосан ишлатилиши (мақсадли ишлатилиши) керак. Бунинг устидан банк доимий равишда назорат олиб боради. Хозирги кунда қарз олувчилар томонидан бизнес-режани ахамиятсиз, факатгина кредит олиш учунгина зарур бўлган ҳужжат деб ҳисобланиши ҳоллари амалиётда учраб туради. Бундай ҳолда банк кредитидан самарали фойдаланиш имконияти чекланиб қолиши ёки бизнес-режада қурсатилмай қолган, ҳақиқатда мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш мумкин бўлмай қолиши мумкин.

Хулоса қилиб, шунини айтиш мумкинки, банк кредитидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Бизнес-режа қарз олувчи қорхона иқтисодчилари ва бухгалтерия ходимлари томонидан ишлаб чиқилса (ҳозирги кунда аксарият ҳолларда банк ёки консалтинг фирмалари томонидан тузилмоқда).

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш хусусиятлари қорхона ходимлари томонидан урганилиши ва уни ҳисобга олган ҳолда бизнес-режа тузилишига эришилади.

2. Бизнес-режада инфляция суръатлари ҳам ҳисобга олинса.

Бунинг натижасида ҳом-ашё қийматини ошириш, маҳсулотни сотилмай қолиш эҳтимоллиги ва хоказоларни ҳисобга олган ҳолда бизнес-режа тузилади.

3. Бизнес-режа тузишда бозор яхши урганилса, яъни ишлаб чиқариш қузда тутилган маҳсулотга талаб ва таклиф, урнини босувчи товарлар қиймати ва ҳ.к.

4. Бизнес-режа сугурталанса. Бу билан бизнес-режага асосан амалга оширилган операциялардан зарар қурилишидан ҳимояланади. Бунда банк томонидан гаровга мулк қуйилишини талаб қилиш зарурати ҳам қолмайди. Бундан ташқари мулкни гаровга қуйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар (сугурталаш, баҳолаш, тасдиқлаш ва хоказо) қамаяди. Кредит қайтарилмаган, яъни бизнес-режа амалга ошмай қолганда ҳам қорхона сугурта компанияси тулаб берган маблағ ҳисобидан кредитни қайтариш имкониятини яратади. Бу эса, уз навбатида қарз олувчини сугурта компанияси томонидан назорат олиб бориш заруратини вужудга келтиради.

Қарз олувчини олинган қарз бўйича банк ва сугурта компанияси томонидан назорат қилиб борилиши олинган кредитдан самарали фойдаланиш имкониятини оширади.

5. Банк кредитларини жалб этишни мақсадга мувофиқлигини баҳолаш.

Банк кредитларини жалб этишда хужалик субъектлари томонидан қабул килинган қарорлар уз ичига бир неча босқични қамраб олади:

1. У ёки бу кредит ресурсларини жалб этишда ҳақиқий баҳолаши.

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар кредит бера туриб, миқдорнинг ҳозирги кундаги молиявий ҳолатини, унинг тулов қобилиятлиги ва кредитга лаёқатлилигини урганиб чиқади.

Айни пайтда мазкур параграфнинг мақсади у ёки бу кредит битимларида қорхонанинг иштирок этишини мақсадга мувофиқлиги қуриб чиқилиши ҳисоблансада, бунда қорхонанинг молиявий ҳолати таҳлиliga тегишли муаммо ва масалалар умумий ҳолда қуриб чиқилмайди. Қорхона уз оборотида кредит ресурсларини жалб этишнинг мақсадга мувофиқлигини таҳлил қила туриб, молиявий ҳолатини ёмонлаштирмаслик учун уз молиявий аҳволига баҳо бериш керак деб топилган. Турли хил даврлар бўйича баланс моддалари динамикаси таҳлили, туловчанлик қобилияти қўрсаткичларининг қуриб чиқилиши (мутлоқ ва нисбий), қорхона фаолиятини характерловчи молиявий коэффициент турлари махсус адабиётларда берилган. Демак, қорхона молиявий ҳолати таҳлилининг бундай услубияти А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин ва Е.В. Негашевларнинг «Методика финансового анализа предприятия» китобида берилган.

2. Жалб этилмаган кредит ресурсларини қийматини аниқлаши.

Мазкур савол ҳозирги кунда мураккаб деб топилган. Асосий муаммо шуки, бунда фоиз қўрилишида берилган кредит қиймати унинг реал қиймати деб ҳисобланмайди. У уз ичига инфляция таъсирлар, турли хил иқтисодий қўтилишлар, кредитдан фойдаланиш даврида вужудга келувчи қўшимча ўшланмаларни олади.

3. Кредит бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ ўшланмаларнинг таққослаши.

Хужалик субъектлари томонидан жалб этиладиган кредит манбалари турли хил улчов бирликларида улчанади, банк кредитлари кредит ставкаларида, аммо вексел бўйича муддатидан олдин олинган пуллар учун банкка туловлар - ҳисоб ставкалари қўрилишида бўлади. Шундай қилиб барча омилларни ҳисобга олган ҳолда – барча кредитлар бўйича ўшланмалар қелтириш зарурияти туғилади.

Банк кредитларини жалб қилишда, қорхона уз фаолиятини режалаштира туриб, оборотда уз маблағларининг етишмаслигини ликвидация қилишга интиlgанда у қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ҳисоб – китоб назоратини урната туриб, назарда тутилган дебиторлик ва кредиторлик қарзи даражасини сақлаб туриши;

- жалб килинувчи кредит буйича ушланмаларни имконият борича минималлаштириш;
- ички ва ташки ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, молиялаштириш манбаининг оптимал манбасини танлаш.

Кредит кийматини баҳолашда корхона бир канча таъсир килувчи омилларнинг ҳисобга олиниши билан тукнашади, уларнинг асосий лари туркумига – кредитни расмийлаштириш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ булган харажатлар, кредитдан фойдаланиш билан боғлиқ булган солиқ ушланмалари ва ортикча харажатларнинг узаро таъсири киради.

- Кредит шартномасида коидага асосан йиллик фоиз ставкаси урнатилади. Банк кредити катъий кийматига асосий таъсирни солиқ ушланмалари ва кушимча харажатлар утказди.

Кредитнинг реал баҳосини аниқлашда солиқ қонуниятларини ҳисобга олиш лозим. “Махсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тугрисида” Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 54-сонли қарори (5 феврал 1999 йил)га асосан банк кредитлари буйича фоизлар молиявий фаолият буйича харажатлар таркибига киритилиб фойда ҳисобидан қопланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан юқори қисми фойда солигга тортиладиган базага қушилади ва фойда солигига тортилади.

Россия Федерацияси (РФ) да 1992 йил 5 августдаги №552 (1995 йил 1 июлдаги 661-сонли қушимча ва узғаришлари билан) «Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг)» Низомига қура банк кредитлари буйича фоизлар таннархга киритилган бўлиб, РФ нинг Марказий Банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан ортикча кредит фоизлари буйича харажатлар солиққа тортиладиган базага қушилади ва фойда ҳисобидан қопланади, лекин таннарх таркибига киритилмайди.

Солиққа тортиш тартибини ҳисобга олган ҳолда кредит буйича фоиз ставкалари қуйидаги формула билан топилади:

$$I_C \cdot ((S - S_1) \times \Phi_C \div S) : K_C$$

Бу ерда: I_C -солиқларни ҳисобга олган ҳолда банк кредити буйича йиллик ставка, бунда:

S – йиллик кредит фоизи суммаси;

S_1 - кредит фоизи суммасини қайта солиққа тортиладиган базага қушилмайдиган қисми;

Φ_C - фойда солиғи ставкаси;

K_C – кредит суммаси.

S ва S_1 ларни ҳисоблаш учун қуйидаги формулалардан фойдаланиш мумкин:

$S_k K_C \times K_\Phi$, бу ерда K_Φ – йиллик кредит фоизи.

$S_1 \hat{=} S - (K_C - K_{MC})$

Бу ерда: K_{MC} – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг кайта молиялаш ставкаси.

Банк фоиз ставкаси билан бир каторда корхона кредит кийматининг кушимча элементлари – кредит шартномасига киритилган ва кредит шартномасида курсатилмаган кредит буйича харажатларни уз ичига олади. Бунга куйидагилар киритилади:

-корхонанинг ишлаб чиқариш хужалик фаолиятида банк томонидан куйиладиган чеклашлар ва таъкикловлар;

-кредитни сугурталаш талаби;

Келтирилган кушимча харажатларни фоиз куринишида баҳолаш ҳам мумкин.

Корхона томонидан кредитни сугурталашда килинадиган харажатлар кредит туловининг абсолют киймати оширади. Бу эса фоиз ставкасини ошишига олиб келади. кушимча харажатлар киймати кредит шартномаларидаги фоиз ставкалари ва кредит тулови буйича фоиз ставкалари уртасидаги фарк булиб ҳисобланади. Курсатиб утилган чекланишлар бевосита корхоналарда мавжуд маблағлардан фойдаланиш йуналишларига таъсир килиб, кредит кийматига ҳам таъсир килади.

Кредитни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит нарҳини аниқлаш формуласини куйидагича акс эттиришимиз мумкин:

$K_X \text{ НКСКБ}$

бу ерда: K_X -кушимча харажатлар;

Н-гаров шартномасини тасдиқлаш ва давлат руйхатидан утқишиш харажатлари;

С-сугурталаш харажатлари;

Б-гаровга куйилган мулкларни баҳолаш харажатлари.

Уз навбатида, гаров шартномасини тасдиқлаш ва давлат руйхатидан утқишиш харажатларини куйидаги формула буйича аниқлаш мумкин:

$N_k (G_C \times G_\Phi) K D_B$

Бу ерда: G_C -гаровга куйилаётган мулк суммаси;

G_Φ -гаров шартномасини тасдиқлаш учун белгиланган нотариал давлат божи фоиз ставкаси;

D_B -давлат руйхатидан утқишиш божи.

Сугурталаш билан боғлиқ харажатлар куйидаги формула ёрдамида аниқланиши мумкин:

$S_k G_C \times C_C$

Бу ерда: C_C -сугурталаш учун белгиланган фоиз ставкаси.

Гаровга куйилган мулкларни баҳолаш харажатларини куйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$B_k \Gamma_c \times B_c$$

Бу ерда: B_c -гаровга куйилаётган мулкни баҳолаганлиги учун баҳолаш ваколати берилган ташкилотлар (кучмас мулк биржалари, аудиторлик фирмалари ва х.к.) томонидан олинадиган фоиз ставкаси.

$K_{фк} (K_x:K_c) \cdot 100$ бу ерда, $k_{ф}$ – кушимча харажатларни ҳисобига кредит фоизини ортиш миқдори.

Кредитдан фойдаланилганлиги учун туланувчи фоизлар суммасини юқоридаги усуллар буйича ҳисоблаб топилган миқдорлари кредитдан фойдаланиш давомида олиниши режалаштирилган фойда миқдори билан солиштириш ва кредит карзини жалб қилиш ёки қилмаслик тугрисида ҳал қилувчи қарор қабул қилиниши мумкин.

Жалб қилинаётган кредитнинг ҳақиқий нархи ва кредитланаётган тадбир даромадлигини солиштиришнинг узи кредит карзини олиш ёки олмаслик тугрисидаги қарорни қабул қилиш учун етарли бўлмайди. Кредит карзини қайтариш ва кредит фоизларини тулаш имкониятларини аниқлаш учун кредит шартномаси амал қилувчи давр учун даромадлар ва харажатлар баланси тузилиши зарур бўлиб, бунда қутилаётган харажатлар ва тушумлар нафақат миқдор, балки вақт буйича ҳам солиштирилади. Кредит буйича қутилаётган харажатлар ва даромадлар солиштирилаётганда нафақат абсолют балки нисбий миқдорлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ҳар бир бирлик кредитга тугри келувчи фойда миқдори аниқланади. Бу курсаткични ҳисоблаш методикаси қуйидагиларни назарда тутмоғи шарт:

- кредит қорхона айланма маблағлари таркибида бошқа айланма маблағлари манбалари билан бирга иштирок этади – демак унинг алоҳида салмогини аниқлаш даркор;
- «Кредит линияси очмасдан кредит бериш» усулида кредитлаш амалга оширилганда кредит қарзи миқдорини вақтнинг муайян санасига қолдиқдан қелиб чиқиб белгилаш мумкин;
- молиявий таҳлил динамик қаторлар, яъни индекслардан фойдаланилганда аниқ бўлади.

Бундай шароитларда кредит самарадорлиги коэффиценти қуйидаги қуринишда бўлади:

$$K_{CAM} = K \left(\left(\frac{\Phi_1}{A_1} : \frac{\Phi_0}{A_0} \right) \times \frac{K_{CAL} - 1}{K_{CAL} - 0} \right) \text{ бунда}$$

K_{CAM} – кредит самарадорлиги коэффиценти;

Φ – жорий ва базис даврдаги фойда;

A – айланма маблағлар (жорий ва базис даврларда);

K_{CAL} – айланма маблағлар таркибида кредит салмоғи коэффиценти.

Банқдан кредит олмокчи бўлган «Динора» маъсулияти чекланган жамияти мисолида кредитнинг ҳақиқий нархини ҳисоблаш усулини урганиб чиқамиз.

Бизнинг мисолда, кредит шартлари куйидагича:

«Динора» маъсуляти чекланган жамияти кредит миқдори 13 500 000 сум, 9 ой ичида йиллик 48% билан беради (9 ой учун 36%). «Динора» маъсуляти чекланган жамияти кредит учун туловлар тугатиш графигини корхонанинг ҳар ойда 4%дан кредит фоизини тулаш ва кредитни 9 ойдан кейин тулик кайтариш шарти билан тузади. Хамма омилларни ҳисобга олган ҳолда олинган кредит кийматини ҳисоблаб чиқамиз.

Солиқлар туловини ҳисобга олган ҳолда фоиз ставкаси куйидаги формула билан топилади:

$$S_1 K_C \times K_{\Phi} 13500000 \times 36\% 4860000$$

$$S_1 K_S - (K_C - K_{MC}) 4860000 - (13500000 \times 24\%) 1620000$$

$$I_C K((S - S_1) \times \Phi_C K_S) : K_C K((4860000 - 1620000) \times 0,26 K 4860000): 13500000 0,4224 \text{ ёки } 42,24\%$$

1. Кредит фоиз ставкаси кредит буйича қушимча харажатлар таъсирида ўзгаради. Бизнинг мисолда қушимча харажатларни ҳисобга олган ҳолда кредит фоизи куйидагича бўлади:

$$H_K(G_C \times G_{\Phi}) K D_{\Phi} K(15000000 \times 2\%) K 34500 754500$$

$$S_K G_C \times C_C K 15000000 \times 0,5 75000$$

$$B_K G_C \times B_C K 15000000 \times 5\% 750000$$

$$K_X K H_K S K B_K 754500 K 75000 K 750000 1579500$$

$$K_{\Phi} K (K_X : K_C) * 100 K (1579500 : 13500000) * 100 K 11,7\%$$

$$42,24 K 11,7 K 53,94\%$$

Натижада, корхона кредит буйича тулов фоиз ставкаси 42,24K11,7K53,94%ни ташкил этади. Яъни, кредит шартномасида курсатилган номинал фоиз ставкаси 9 ой учун 36%ни ташкил қилган ҳолатда, ҳақиқатда 9 ой учун 53,94 фоизни ташкил қилади. Бу кредит шартномасида курсатилганидан анча юқорилиги қурилиб турибди. Бу ҳолат акционерлик жамияти томонидан кредитни ҳақиқатда қанчага тушишини билмасдан туриб, кредит олишига ва кредитдан фойдаланиш натижасида зарар қурилишига сабаб бўлиши мумкин. Юқорида таклиф қилинган усулдан фойдаланиш натижасида эса кредитнинг ҳақиқий кийматини олдиндан билиб олиш ва кредитнинг фойдалилик даражасини аниқлаш мумкин бўлади.

8-мавзу: Банкларнинг ички операциялари буйича ҳисоб-китоб аудити.

1. Банкларда ҳужалик операциялари аудити.

2. Банк операцион харажатлари аудити.
3. Асосий воситалар ва номоддий активлар аудити.
4. Материалларни бериш ва улардан фойдаланиш аудити.

1. Банкларда хужалик операциялари аудити.

Банклар уз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар берилган смета ассигнованиялари доирасида амалга оширадилар.

Банкнинг операцион харажатлари сметаси буйича кредитларни банк рахбари тасарруф этади. Банк рахбари банк буйича буйрук чиқариб, смета ассигнованияларини тасарруф этиш ҳуқуқини уз муовинига ишониб топширишга ҳақлидир. Республика банки раиси ҳам буйрук чиқариб смета буйича ассигнацияларни тасарруф этиш ҳуқуқини узининг биринчи муовинига бериши мумкин. Бирок, смета буйича ассигнованияларни тасарруф этиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериб қуйиш билан банк раисини унинг смета интизоми ахволи учун қонунда белгиланган шахсий жавобгарликдан озод қилмайди. Смета ассигнованиялари, шу жумладан келгуси даврлар харажатлари ҳисобидан маблағ сарфлаш учун ҳужжатда кредитлар тасарруф этувчисининг ижозат имзоси бўлиши шарт.

Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета ассигнациялари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача утқазилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда қуйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади: "Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар", "Ижара ва саклаш", "Хизмат сафари ва транспорт харажатлари", "Маъмурий харажатлар" ва шу қабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби "Пули олдиндан туланган харажатлар" ҳисобварағида юритилади.

Бу ҳисобварақка йил охирида таътилга кетаётган ходимларга туланган иш ҳақи, хусусан келаси йилга тааллуқли туловлар, келаси йил учун газетага обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан урни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу қабилар утқазилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар "Олдиндан туланган харажатлар" номли 19925-ҳисобварақдан Марказий банкдаги қуйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига "Иш ҳақи" номли 56102, "Даврий нашрлар,

китоблар, газеталар" номли 56418, "Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш" номли 56216-хисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли хисобварақларга утказилади.

Суммалари хисобидан иштимой сугуртага ажратмалар килинмайдиган, ишдан бушаганда туланадиган нафакаларни давлат иштимой сугуртасига доир бадаллар буйича хисоб-китоб кайдномаларида ажратиб курсатиш учун бу нафака туловлари хисобини алохида шахсий хисобварақларда юритиш тавсия этилади.

Банк операцион харажатлари буйича ҳужжатларни расмийлаштириш вазифаси юклатилган ходим бу харажатлар буйича ҳужжатларни бухгалтерия кайдловлари учун қабул қилаётганда қуйидагиларни текширади:

а) пули туланаётган ҳужжатда кредитларни тасарруф этувчининг рухсат имзоси бор-йўқлиги (агар бунак хисоботи қаби жамлама ҳужжат пули туланаётган бўлса, имзо фақат жамлама ҳужжатда бўлиши талаб қилинади);

б) 29802-хисобварақдаги бунақларни хисобга олган ҳолда смета ассигнования қолдиги ушбу чиқимни тулаш учун етарли эканлиги;

в) пули туланаётган ҳужжатдаги хусусий суммалар ва яқунлар тўғрилиги;

г) ҳужжат тўғри расмийлаштирилгани ва хусусан, курсатилган хиз-матлар учун тузилган туловномаларга банкнинг тегишли мансабдор шахслари бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар қабул қилинганини тасдиқлаб қўйган имзоларнинг бор-йўқлиги;

д) сотиб олинган моддий бойликлар учун ёзилган туловномаларда бу бойликларни улар бут сакланиши учун жавобгар шахслар қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги тилхатлар бор-йўқлиги;

е) ҳужжат пули хисоботи топшириладиган суммалардан туланган ҳолларда пул олингани тўғрисида ҳужжатга имзо чекилгани.

Агар ҳужжат нақд пулсиз тартибда туланса, у ҳолда мемориал ордери тузилади ёки унинг урнига пули туланаётган ҳужжатда қотировка қилинади. Жамлама ҳужжат, масалан, бунак хисоботи бор бўлса, қотировка жамлама ҳужжатда қилинади. Агар ҳужжат суммаси нақд пулда туланиши лозим бўлса, у ҳолда касса чихим ордери тузилади. Пул тулаш учун қабул қилинган ҳар бир ҳужжатга "Ўтказилди" деган ёзувли штамп босилади.

Мемориал ва касса ордерлари банк ички хисобварақлари буйича хисоб юритадиган бухгалтер ҳамда бош бухгалтер ёки унинг муовини томонидан имзоланади.

2. Банк операцион харажатлари аудити.

"Банк хизматчиларининг иш хаки ва улар учун сарфланган бошка харажатлар", "Хизмат сафари ва йул харажатлари" ва "Хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар" ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобва-рақлар (смета булинмалари бўйича шахсий ҳисобварақлар бундан мустасно) махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш хаки банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта - ойнинг биринчи ва иккинчи ярмида учун туланиши лозим.

Иш хаки тулаш бўйича белгиланган муддатларда шахсий ҳисобва-рақларда ойнинг утган ярми учун ҳисоб-китоблар тулдирилади. Ҳисоб-китоб шахсий компьютерда дастурий йул билан амалга оширилади ва ушбу ҳисоб-китоблар асосида иш хаки бериш учун кайднома тузилади.

Меҳнат таътилга чиқагган ходимларнинг иш хаки шахсий ҳисобварақларда ва кайдномада тулов даврлари бўйича алоҳида сатрларда ёзилади.

Ойнинг биринчи ярми учун иш хаки тулаш кайдномасининг умумий якунида "Берилади" устунида кассир номига "Иш хаки" деган тегишли шахсий ҳисобварақ дебети бўйича касса чиким ордери ёзилади. Ушланмалар суммасига айти шу ҳисобварақнинг дебети ва тегишли ушланмалар ҳисобварағи кредити бўйича мемориал ордер тузилади.

Ойнинг иккинчи ярми учун тузилган кайднома асосида иш хаки бўйича ёзилган бутун сумма ойнинг охириги кунида "Банк хизматчиларининг иш хаки ва бошка харажатлар" биринчи тартиб ҳисобварағидаги тегишли ҳисобварақлар дебетига ҳамда "Бошка кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағининг кредитига киритилади. Бунда кайдноманинг "Берилади" устуни-даги якуний суммаси "Ойнинг иккинчи ярми учун туланиши лозим бўлган иш хаки" номли алоҳида шахсий ҳисобвараққа ёзиб қўйилади. Кейинги ой бошида, утган ойнинг иккинчи ярмида ишлаб топилган иш хакини бериш учун ажратилган куни кассир номига юқорида айтилган шахсий ҳисобварақдаги суммада касса чиким ордери ёзилади. Ходимлар томонидан белгиланган тулов куни олинган иш хаки кун охирида кассага кирим қилиниб, "Бошка кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағининг кредитига қўйилади ва ҳар бир ходимга тегишли суммалар "Берилмаган иш хаки бўйича депонентлар" номли жамлама шахсий ҳисобварағига ёзилади. Йирик банкларда раҳбариятнинг рухсати билан 3 (уч) кун давомида иш хаки берилишига йул қўйилади. Кассир авансининг қолдигини "Эмиссия-касса иши, пул тушумларини инкассация қилиш ва Ўзбекистон Республикаси банкларида қимматликларни ташиш тугрисида"ги Йуриқноманинг 146-бандида белгиланган тартибда сақлаши лозим.

Иш хаки ҳисобланадганде ушлаб қолинган суммаларнинг ҳисобини юритиш учун "Бошқа кредиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағида ушланма-ларнинг ҳар бир тури бўйича, учинчи шахслар фойдасига ушланмалар бўйича эса уларнинг ҳар бирига алоҳида шахсий ҳисобварақлар очилади. Ушлаб қолинган суммалар қимга тегишлилигига қараб, иш хаки туланадиган муддат қунида утқазилади. Алоҳида фуқаролар фойдасига ундирилган суммалар, масалан, алиментлар олувчилар билан қелишиб, уларга почта орқали жунатилади ёқиюлувчи курсатган банкдаги омонатларга утқазилади. Уш-ланмалар нақд пул билан туланадиган ҳолларда олувчилар шахсан узлари қелгунича ушбу ушланмалар "Бошқа дебиторлик ҳисобварақлари" ҳисобварағида сақлаб турилади.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш хақининг барча турлари иш хақи фондида қиритилади.

Банк ҳодимларини муқофотлаш туғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган муқофотлар 56106 - "Банк хизматчилари учун имтиёзлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Ижтимоий сугуртага бадаллар ва иш хақи фондидан белгиланган миқдордаги нафақа фондида ажратмаларнинг ҳисоби 56114 - "Ижтимоий сугурта бўйича бадаллар" баланс ҳисобварағида юритилади. Қасаба уюшма-лари қенгаши, бандлик фонди, соғлиқни сугурта қилиш ва бошқа тегишли фондларга ажратиладиган бадалларнинг ҳисоби 56122 - "Бандлик фонди ва бошқа тегишли фондлар учун бадаллар" баланс ҳисобварағида очилган шахсий ҳисобварақларда юритилади. Мол-мулк сугуртаси, гнгинга қарши сугурта ва банкнинг ҳужалиқ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа сугурталар бўйича бадалларнинг ҳисоби 56710 - "Сугурта харажатлари" баланс ҳисобварағида юритилади.

Ижтимоий сугуртага дахлдор бўлган барча тоифадаги ҳодимлар иш хақи фонди (даромади) бўйича белгиланган тарифга асосланган ҳолда сугурта бадаллари ҳисобланади.

Ҳисобланган сугурта бадаллари утқазиладганде қуйидаги қилинган харажатлар қегириб қолинади: пенсиялар, меҳнатга вақтинча лағқатсизлик, омиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган, дафн маросими учун бериладиган нафақалар, болалар учун нафақалар, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари санаторий-курорт хизматларидан фойдаланиши учун бериладиган нафақалар. Ҳисобда харажатларнинг турлари, ишга лағқатсизлик қунларининг сони ва бошқалар ақс эттирилади.

Ҳар қоракда ҳисобот - ижтимоий сугурта фонди маблағлари бўйича ҳисоб-қитоб қайдномаси тузилади. Унда бутун иш хақи умумий фонди ҳамда ҳисобланган бадаллар, бошқа тушумлар суммалари, шунингдек УзР Вазирлар Маҳқамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта фондининг 1994 йил 10 февралдаги "Сугурта бадаллари ёзиш ва

тулаш, давлат социал сугуртаси маблағлари хисобини юритиш ва сарфлаш тугрисида"ги 08-3/90 йуриқноманинг 4-илоvasида берилган шакл бўйича пенсия ва нафакалар тулашга сарфланган суммалар курсатилади. Айти шундай хисоботлар пенсия фондига, Иш билан таъминлаш фондига ва касаба уюшмалари кумитасига ҳам юборилади.

Хисоб-китоб кайдномаси маълумотларига караб чорак давомида ижтимоий сугуртасига утказилган туловлар кайта хисоблаб чикилади. Бунда туланиши керак булган бадаллар суммасидан банк утган давр мобайнида килган харажатлар суммаси чегириб қолинади.

Агар кайта хисоблаш натижасида сугурта бадаллари кам тулангани аниқланса, у холда туланмай қолган сумма хисобот билан бирга утказилади, башарти кайта хисоблаш чоғида ортиқча пул тулаб юборилгани маълум булса, у холда шу сумма миқдорида навбатдаги бунак тулови камайтирилади.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, ёш мутахассисларга улар олий ёки урта махсус укув юртини тугатганидан кейин таътил даври учун туланадиган, ходим ва унинг оила аъзолари жойлашиб олиши учун бир марта бериладиган нафакалар суммаси, кундалик харажатлар, ходим ва унинг оила аъзолари қучишга сарфлайдиган пул қиймати "Ходимлар учун бошқа харажатлар" деган хисобварақдаги "Қучиш" деган алоҳида шахсий хисобварақда хисобга олинади.

Автотранспортдан фойдаланиш ва уни жорий таъмирлаш харажатлари, фойдаланилган гнилги қиймати хисоби "Транспортни саклаш ва шаҳар бўйлаб юриш" деган алоҳида шахсий хисобварақда юритилади. Бундан ташқари, мазкур шахсий хисобварақда марказлаштирилган таъминот анжомларини вилоят доирасида ташиш харажатлари хисоби ҳам олиб борилади.

Банк реклама ва эълон бериш, ёзув-қизув анжомлари ва иш жойи учун буюмлар сотиб олишга қиладиган харажатлар, почта, телефон ҳамда факс харажатлари, даврий нашрлар, китоблар, газеталар учун қиладиган харажатлар хисоби "Маъмурий харажатлар" деган шахсий хисобварақда тегишлича иккинчи тартиб хисобварақларида юритилади. Бу хисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгиланган сметалар ждоирасида қилинади.

3. Асосий воситалар ва номоддий активлар аудити.

Банкка тегишли булган асосий воситалар банк балансининг актив қисмидаги биринчи тартибли "Банкнинг асосий воситалари" хисобварақдаги иккинчи тартибли баланс хисобварақларининг шахсий хисобварақларида хисобга олинади:

*"Ер";

- *"Тугалланмаган курилиш";
- *"Банкнинг бинолари бошка иморатлари";
- *"Транспорт воситалари";
- *"Мебель ва бошка жихозлар";
- *"Номоддий активлар";
- *"Ижарага берилган асосий воситалар".

Юкорида айтилган хисобварақлар буйича асосий воситаларнинг хисоби кушимча бухгалтерия китобларида, каточкаларда, шунингдек журналда юритилади. Карточканинг олд кисмида банк номи, асосий воситалар номлари, иншоот сотиб олинган сана ва унинг жойлашган жойи, хисобварақ номери, кредит ва дебет буйича айланмалари ҳамда колдиги, бухгалтерия гзуви мазмуни, бухгалтерия гзуви кайд килинган сана, назоратчининг имзоси ва бошка реквизитлар курсатилади. Карточканинг орқа томонида объектнинг кискача тавсифи ҳамда техник ахволи бағн этилади.

Барча асосий воситалар балансда дастлабки киймат буйича, яъни уни сотиб олиш ёки куриш харажатлари суммасида сум ва тийинларда хисобга олинади. Бунда мазкур асосий воситаларни келтириш ва урнатиш харажатлари ҳам шу суммага кушилади.

Асосий воситалар эскириши белгиланган меъёр буйича ёзиб борилади ва куйидаги тегишли хисобварақларда хисобга олинади:

- *"Бинолар ва бошка иморатларнинг эскириши";
- *"Бинолар ва бошка иморатлар киймати ушшининг эскириши";
- *"Транспорт воситаларининг эскириши";
- *"Мебель ва бошка жихозларнинг эскириши";
- *"Номоддий активлар амортизацияси";
- *"Ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириши".

Бинолар фақат ҳукумат қарорига мувофиқ қайта баҳоланиши мумкин.

Хужалик буюмлари хисобини юритиш қулайлиги учун фабрикада номер куйилмаган ҳар бир анжомда фарқловчи белги булиши лозим. Бундай белги сувда ювилмайдиган буюк билан тамгалаш орқали куйилади.

Банкка кераксиз анжомлар ҳамда бино ва иншоотлар қисмларга булингандан чиққан бошка материалларни сотишдан олинган суммалар ёкикам чиққан анжомлар, материалларнинг айбдор шахслардан ундириб олинган қийматининг хисоби 45909 ёки 45913-хисобварақларда юритилади.

Анжомлар, машина-ускуналар, материаллар бепул бериб юборилганда ёкиқабул қилинаётганда, шунингдек бино ва кераксиз анжомлар сотилганда ҳамда яроқсиз ҳолга келган бинолар, иншоотлар ва анжомлар балансдан чиқарилаганда уларнинг қиймати қабул қилиш- топшириш қалолатномалари ҳамда юкори

банкларнинг фармойишлари асосида тегишли хисобварақлар буйича бухгалтерия ҳзувлари амалга оширилади.

Асосий воситаларни бир банкдан бошқасига бериш (олиб келиш) билан боғлиқ транспорт харажатлари "Банк жиҳозлари ва мулкни қучириш харажатлари" баланс хисобварагининг шахсий хисобварагида юритилади.

Банклар товар етказиб берувчилардан сотиб олинган моддий бойликларни қабул қилиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланкларда ёзилган, банклар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан имзоланган, муҳр изи туширилган ишончномаларни берадилар. Берилган ишончномалар ҳар бир варағи рақамланган махсус дафтарда рўйхатга олиниши керак. Дафтарнинг охиригига "Ушбу дафтарда рақамланган - "саҳифа бор" сузлари ёзилиб унинг остига бош бухгалтер имзо чекади. Банк бўлими бош бухгалтери ишончномаларни расмийлаштириш, бериш, улардан фойдаланиш ва фойдаланилмаганларини қайтариш, шунингдек олинган материаллар қабул этилиши ҳамда қирим қилинишини қузатиб боради.

Банк номига келувчи юқлар, қосилқаларни олиш қазифаси бўйруқ билан муайян ҳодим қиммасига юқлатилади. У билан тулиқ моддий қавобгарлик туғрисида шартнома тузилади.

Ишончнома бир марта фойдаланиш учун ёки 3 йилдан ошмайдиған муайян муддатга берилиши мумкин. Ишонч қилдирилган ҳодим юқни олаётганда қойлар қони, маркировка белқилари транспорт юқ ҳатида қурсатилганига мос қелишини, яшиқлар, боғламларнинг аҳволини, уларда шикастланиш, бузиш аломатлари йуқлигини, шунингдек бирқалар, қломбалар бутлигини ва бошқаларни синқиклаб текширади.

Бирор-бир номувофиклик аниқланса, юқни қелтирган ташқилот вақиллари иштирокида қалолатнома тузилади ва эътироз қилдирилади. Қалолатноманинг учинқи нусқаси эътирознома билан бирга товар етказиб берувқига юборилади.

Материаллар бут сақланиши назорат қилинишини таъминлаш мақсадида материаллар қолдиқлари бухгалтерия ҳисоби ва омбор ҳисоби маълумотлари бўйича қаврий равишда текшириб турилади. Бундай текширувлар ҳар қоракда бухгалтерия ва омбор қарточқаларида қурсатилган материаллар қолдиқлари туғрисидаги маълумотларни, шунингдек омборда амалда сақланаётган қолдиқнинг такқослаш йули билан утқазиб турилади.

Банққа қеладиған моддий бойликларни улар сақланиши учун қавобгар бўлган омбор мудири (омборқи) ёки банк раҳбарининг бўйруғи билан тайинланган бошқа ҳодим қабул қилади.

4. Материалларни бериш ва улардан фойдаланиш аудити.

"Фойдаланилмаган ёзув-чизув моллари ва бошка анжомлар" ҳисобварагида ҳисобга олинадиган материаллар ва бошка буюмлар омборхонадан ёзма талабномалар буйича берилади. Бу талабномаларни имзолаш ва омбордан материаллар берилишига рухсат этиш ҳукуки берилган шахслар тугрисида буйруқ чиқарилиши керак. Буйруқ нусхаси мазкур шахслар имзо намуналари билан бирга омбор мудирига (омборчига) ва бухгалтерияга, ҳисобварак буйича ҳисоб юритадиган ходимга топширилади. қиймати тегишли ҳисобваракларга киритилиши керак бўлган материаллар учун қзилган талабномаларда банк буйруғи буйича имзолаш ҳукуки берилган тасарруф этувчининг ижозат имзоси бўлиши лозим.

Омбордан материаллар олиш учун ёзиладиган талабнома уч нусхада тузилади. Уларда қузда тутилган барча реквизитлар, шунингдек талаб қилинаётган моддий бойликларнинг номенклатура буйича номерлари, номи (нави), сони ва мақсади қурсатилади.

Талабномаларнинг дастлабки икки нусхасига материаллар олувчи уларни олгани ҳақида тилхат ёзади ва бу қогозларга материалларни берган омборчи имзо чекади.

Берилган материаллар омбор ҳисоб юритиш қарточкаларида қиким қилинганидан қейин омборчи талабноманинг иккинчи нусхасини ҳранологик тартибда узидаги қиким ҳужжатлари йигмажилдига тикиб қуяди. Биринчи нусха бухгалтерияга топширилади, учинчиси эса материалларни олувчининг қулига берилади.

Материаллар бошка банкка қунатилаётганда талабномалар турт нусхада тузилади. Уларнинг бири қосилкага қистирилади, иккитаси бухгалтерияга берилади.

Талабномалар умумий суммасига материаллар сарфини ҳисоб ҳужжатларида акс эттириш учун қирим-қиким ордери тузилади.

Ёқилғи ва мойлаш материаллари ҳайдовчиларга, шунингдек бошка ҳужалиқ материалларни муайян лимитлар буйича мунтазам олиб турадиган шахсларга талабномаларсиз, ҳар бир ойда ҳар бир олувчи учун тутиладиган лимит қарталари асосида берилиши мумкин. Бу қарталарда берилган материаллар суммаси қайд этилади. Ана шу лимит қарталари асосида ҳар ой охирида материалларнинг қиймати балансдан қикарилади.

Омбори йуқ банқларда талабномалар тузилмайди. Ой охирида фойдаланилган материаллар қайдномаси тузилади. Уни банк раҳбари тасдиқлайди. Шундан қейин материаллар қиймати тегишли ҳисобвараклар дебетига ҳамда "ёзув-чизув моллари ва бошка анжомлар" ҳисобварағи қредитига қзилиб, ҳисобдан қикарилади.

"Омборда" иккиламчи (суб) хисобвараги буйича материаллар хисоби миқдорий ва қиймат ифодасида (тури ва навига қараб) юритилади.

Қушимча қитобада шахсий хисобварақлар юритилади, бундан ташқари, материаллар турлари ҳамда хисобдор шахслар буйича қарточкалар ва дафтарларда хисоб олиб борилади. Қарточканинг олди томонида банк номи, анжом номи, дафтар буйича номер, хисобварақ номери, анжомнинг нархи, анжомлар сони, анжомни берувчининг номи, бухгалтерия қзуви қайд қилинган сана қурсатилади, шунингдек бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Қарточканинг орқа томонида анжом учун жавобгар шахснинг исми шарифи, анжомлар сони ва улар суммаси, у сақланаётган жой қурсатилади, шунингдек бухгалтерия ходимлари имзо чекадилар. Қарточкалар бир турдаги буюмлар гуруҳлари буйича қартотекага жойлаштирилади. Асосий воситалар хисобини юритиш дафтари йил охирида қунланмайди ва ундаги ёзувлар янги йилда давом эттирилади. Моддий бойлиқлар умумий белгиланган тартибда йуқлама қилиб турилади. Банкларнинг бош бухгалтерлари хисоблаш, ташқилий ва бошқа турдаги техника паспортлари (техник хужжатлари) у қойдаланишдан қикарилгунча сақланишини таъминлайдилар. Хужалиқ материаллари балансдан қикарилагганда техник паспортлар техникани хисобдан қикариш хужжатларига илова қилинади.

ҚОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.

1. «Узбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида»ги Конуни. 1995 йил 21 декабр.
2. «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги Конуни. 1996 йил 25 апрел.
3. Узбекистон Республикасининг «Валютани мувофиқлаштириш хақида»ги Конуни -Т.: 1995.
4. Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари 1995 йил 5 январдан 2001 йил 1 январгача. Т.: «Адолат», 2000.
5. Каримов И.А. Узбекистон ХХІ аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. -Т.: «Узбекистон» 1997.
6. Узбекистон Республикаси Марказий банки ва унга қарашли муассаса, қорхона ва ташкилотлар фаолиятини аудит қилишга доир қўрсатмалар. 27 июн 1998 йил. №409.
7. Абдуллаева Ш.З. Пул ва пул тизими. -Т.: 1997 йил.
8. Абдуллаева Ш.З. «Банк иши» Уқув қўлланма.-Т.: «ТМИ» 2000.
9. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т.: «Молия» 2000 йил.
10. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. Пос. Для ВУЗов под ред. Проф. А.Н.Товашева, М.: «Юнитида» 2001.
11. Белоглазова Г.Н. Банковской дело. -СПб: Питер, 2002.
12. Белоглазова Г.Н. Денежной обращение и банки. -М: 2000.
13. Банки и банковское дело / под ред. И.Т.Балабанова -С-Пб.: «Питер» 2001.
14. Банк аудити. Маъруза матни -Т.; ТМИ, 2000.
15. Бонарев В.В. Финансовый анализ. -СПб: Питер, 2001.
16. Братко А.Г. Банковское право: теория и практика -М.: «ПРИРОР» 2000.
17. Жарковская Е. Банковское дело. Курс лекций. -М.: 2002.
18. Иминов О.К. «Кредитный механизм современных условиях» монография. -Т.: «ТГЭУ» 2000.
19. Иқтисодий йўналишлар қўрақлик нашр. Узбекистон. Апрель-июнь. 2001.
20. Муллажонов Ф. «Банк тизими» -Т.: «Узбекистон», 2001.
21. Норқобилов С., Ортиков У. Банк аудити. Маъруза матнлари. -Т.: 2000.
22. Папов В. Банки на переходе. -М; 2001.
23. Суйц В. Аудит: общий банковский, страховой. Учеб. -М: 2001.
24. Смирнова Л. Банковский аудит. Учеб. Пос. -М: Финансы и статистика, 2001.
25. Шеремед А.Д. «Финансовы анализ в коммерческом банке». -М.: «Финансы и статистика» 2000.
26. Интернет сайтлари:

WWW.banking.com-минтакавий банклар, ассоциациялар ва нашрётлар буйича банк саноати ресурслари директорлиги.

WWW.banking.com/aba/- Америка банклари ассоциацияси.

WWW.arraydev.com/commerce /JIBC/ -интернет банкинг ва коммерция журнали.

WWW.bankingtech.com- банк технологиялари.

WWW. State.ct.us/dob - Коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва куриклаш саноатини бошқаради.